БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 169 (916)

24 АВГУСТ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

К. Е. Ворошилов, Н. А. Булганин, Н. С. Хрушчев ўртоқларнинг Петру Гроза, Киву Стойка, Георге Георгиу-Деж ўртоқларга табрик телеграммаси (1-бет).

Виктор Бирледяну. — Румин халқининг улуғ байрами (1-бет).

СССР Олий Совети Президиумида (1-бет).

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА: **Н. Павлий.** — Корхона партия ташкилоти ўз ишини қандай қайта қурди? (2-бет).

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР: **Э. Каримов.** — Қорасувда маданий-оқартув ишлари яхшилансин (2-бет).

Августнинг қолган кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирайлик! (3-бет).

Р. Мошеев. — Пискент колхозларида чорвачиликни ривожлантиришда кескин бурилиш ясаш керак (3-бет).

ТЕАТР: **А. Саидхўжаева, Ф. Жўраев.** — «Ватан ишқи» (4-бет).

Руминия озод қилинган куннинг 13 йиллиги Бухарестда тантанали йиғилиш (4-бет).

Румин ва совет жангчилари ҳайкаллари тагига гулчамбарлар қўйилди (4-бет).

Президент Хо Ши Миннинг Руминияда бўлиши тўғрисида ахборот (4-бет).

Маориф ходимларининг Жаҳон конференцияси (4-бет).

БРИГАДИР

Кеч кузда — ерлар шудгорланаётганда, эрта баҳорда поёнсиз далаларга чигит экилаётганда, саратоннинг иссиқ кунларида — ғўзалар парвариш қилинаётганда, ниҳоят, «оқ олтин» чамани ҳамма ёқни тўлдирганда кўпчиликни меҳнатга чорловчи, бойлик яратишга ундовчи ким? Бу—кичик командир ҳисобланувчи бригадирлардир. 50-60 кишига бош бўлиб, чўлни ўзлаштираётган, ерни бўстонга айлантираётган шу бригадирлар эмасми?! Қайси колхоз ёки совхозда бригадирлар ишбилармон, ташкилотчи, ғамхўр, талабчан, ғайратли кишилардан танланган бўлса ўша ерда тартиб, интизом мустаҳкам, экинлардан ҳамма вақт мўл ҳосил олинаётир.

Бригадир колхозчилар, совхоз ишчиларининг ҳаққоний талабига қулоқ солса, ўринли маслаҳатини вақтида амалга оширса кўпчиликнинг ҳурматига, қўллаб-қувватлашига эга бўлади, унинг топшириғини ҳар бир киши — катта-кичик, эру-аёл ўз вақтида, айтгандан ҳам зиёда қилиб бажаради. Демак шу бригадирнинг қўли ҳамма вақт баланд, ҳосили мўл. Бригадани қолоқ қиладиган ҳам, илғор қиладиган ҳам бригадирнинг кўпчиликка бўладиган муносабатидир. Кўпчилик қўллаб-қувватламаган, шу шарафга муяссар бўлолмаган бригадир ҳамма вақт қолоқ, ҳосили кам бўлаверади.

Бригадирлар колхоз раислари, бўлим бошқарувчиларининг биринчи ўринбосарларидирлар. Уларнинг шу бригадирларга — кичик командирларга суяниб иш кўраётганликларини тушунган, шу ишончга яраша ишлаётган бригадирлар халқни ўз орқасидан эргаштириб бора олади.

Бригадирлар иши билан мунтазам шуғулланаётган, уларга амалий ёрдам бераётган, бригадирни танлаб, синовдан ўтказгач шу вазифани бажаришга ишониб қўяётган жойларда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш, қўйилган вазифани оператив бажариш бирмунча енгил бўлмоқда.

Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозида учта илғор бригада аъзолари қўшимча мажбурият олишга қарор қилдилар. Бу ташаббусни колхоз правленияси ва партия ташкилоти маъқуллади ва бу хабарни ҳар бир колхозчига, механизаторга етказди. Ташаббус, қўшимча мажбурият олиш ҳаракати кўпчиликни ғайратлантириб юборди ва улар ҳам илғариги мажбуриятларида айтилган 30, 35, 40 центнер ўрнига ҳар гектар ердан 35, 40, 45 центнердан ҳосил беражакларини, бунинг учун пахта очилгунча астойдил ишлаяжакларини бир оғиздан айтдилар. Шундай қилиб, кичик ҳаракат кўпчилик ҳаракатига айланди ва колхоз илгариги 29 центнер ўрнига гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисида янги социалистик мажбурият қабул қилди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун, мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил қурашаётган бригадалар, шу бригадаларга моҳирлик билан раҳбарлик қилаётган бригадирлар ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда бор. Биз қатор йиллар давомида қишлоқ хўжалигини юксалтиришда ҳормай-толмай ишлаб келаётган, деҳқончилик маданиятини ўстириш учун курашаётган, ўз ташкилотчилиги, кишиларга ғамхўрлиги билан зўр ҳурматга сазовор бўлаётган ажойиб бригадирларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз.

Юқори Чирчиқ районидаги Андреев номли колхознинг бригадири Султон Мирзаалиев, Верхне-волынск районидаги Куйбишев номли колхознинг бригада бошлиғи Ҳакимжон Рустамов, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғафур Қодиров ва бошқалар шулар жумласига киради.

Ана шу моҳир деҳқонлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ўтган йили ҳам, ундан олдинги йилларда ҳам пахта ҳосилини оширишда катта ютуқларни қўлга киритдилар, об-ҳаво ноқулай келган бу йилги шароитда ишни усталик билан ташкил этиб, ўз далаларидаги ҳар туп ғўзада социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштираётирлар.

Ўзининг бригадирлик вазифасига масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда онгли муносабатда бўлмаётган, ўз манфаатини кўпчилик манфаатидан устун қўяётган, натижада биркитилган участкада ёмон аҳволнинг юз беришига сабаб бўлаётган бригадирлар ҳам йўқ эмас. Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи ўртоқ Халилов шу хилдаги бригадирлардандир. У ўз бригадасидаги ишчан, шу ернинг шароитини яхши биладиган колхозчилар, механизаторлар маслаҳатини ҳисобга олмаётгани, колхоз правленияси, партия ташкилотининг кўрсатмаларини, топшириқларини тўла бажармаётганлиги сабабли унинг бригадаси йил бошидан бери қолоқ бўлиб келмоқда. Бригада аъзолари ўз бошлиқларига чигит экишга тайёргарлик кўрилаётганда, «40 гектарлик картанинг ўртасидан зовур олайлик, чунки ўша ерлар сойлик, ғўза суғорилган вақтда сув қўллаб қолиб ҳосил камаяди» деб жуда тўғри маслаҳат берган эдилар. Аммо бригадир бунга тўғри тушунмади, ўз билганидан қолмади. Оқибатда ўша сойликдаги ғўза далани пайнови олинмаганлиги учун захда эзилиб қолиб, мана ҳозир ҳосилга жиддий зарар етмоқда.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари ҳамда колхоз, совхозларнинг раҳбарлари ҳарбир бригада бошлиғини танлаш ва тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият беришлари зарур.

Ҳосилга-ҳосил қўшиш учун тинмай курашаётган, бу соҳада яхши натижаларга эришаётган ишчан бригадирлар ва улар раҳбарлик қилаётган илғор бригадалар ишини кенг пропаганда қилиш — район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир. Бригадалар ўртасида социалистик мусобақа шартларининг бажарилиши мунтазам текширишдан ўтказиб турилишини контроль қилиб бориш, илғорларни рағбатлантириш, орқада қолаётганларга амалий ёрдам бериш йўли билан умумий юксалишга эришиш учун курашайлик.

Шу кунларда областимиз пахта далаларида мусобақадош Андижон областидан келган ўзаро текшириш бригадаси социалистик мусобақа шартларининг бажарилишини текширишдан ўтказмоқда. Андижонликлар аниқлаган хато ва камчиликларни тезда бартараф қилишда бригадирлар асосий ролни ўйнайдилар. Улар барча куч ва техникани мўл ҳосил етиштириш учун курашга тўла сафарбар қилишлари, зиммага олинган мажбуриятни муваффақиятли адо этиш йўлида ижодий ва ташкилотчилик маҳоратларини ишга солишлари керак.

Бу йил Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги нишонланади. Ҳар бир бригада, ҳар бир звено шу катта байрамга муносиб совға билан келсин. Гектаридан 40-50-60 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашаётган, бу соҳада қувончли натижаларга эришаётган пешқадам бригадаларга ва уларнинг моҳир раҳбарларига тенглашиш учун курашингиз.

СССР Олий Совети Президиумида

1956 йилда ва 1957 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар 100 гектарига ҳисоблаганда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг юксак даражасига эришганликлари ҳамда бу маҳсулотларни давлатга топшириши кўпайтирганликлари учун СССР Олий Совети Президиуми Калининград областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ходимларидан катта бир группасини орден ва медаллар билан мукофотлади. Ҳаммаси бўлиб 925 киши мукофотланди.

Ленин ордени билан 63 киши, Меҳнат Қизил байроқ ордени билан 122 киши, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан 220 киши, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 312 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлик учун» медали билан 208 киши мукофотланди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ М. В. Муҳамаджоновни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри ўртоқ Мирзаали Валиевич Муҳамаджонов Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
В. ЕМЦОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари
Ж. ИЛҲОМОВА.

1957 йил, 23 август.
Тошкент шаҳри.

Руминия Халқ Республикаси Буюк Миллат мажлисининг раиси

ўртоқ ПЕТРУ ГРОЗАГА

Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси

ўртоқ КИВУ СТОЙКАГА

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

ўртоқ ГЕОРГЕ ГЕОРГИУ-ДЕЖГА

БУХАРЕСТ

Румин халқининг миллий байрами — Руминия фашизм зулмидан озод қилинган кун муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан азиз ўртоқлар, сизларга ва сизлар орқали Руминия Халқ Республикасининг барча меҳнаткашларига энг самимий ва дўстона табрикларимизни йўллаймиз.

Руминия Халқ Республикасининг меҳнаткашлари ўз ватани фашизм зулмидан озод қилинган куннинг 13 йиллигини тантанали вазиятда шодлик билан нишонламоқдалар. Румин халқи помешчик ва капиталистлар ҳокимиятини агдариб ташлаб ва ўз мамлакатида халқ-демократик тузумни барпо қилиб, ишчилар синфи бошчилигида, синалган ва чиниққан авангард—Руминия Ишчи Партияси раҳбарлиги остида тарихан қисқа вақт ичида социалистик қурилишда ажойиб муваффақиятларга эришди. Озод Руминиянинг меҳнатсевар халқи тинч ижодий меҳнат соҳасида эришган муваффақиятлари билан ҳақли суратда фахрлана олади.

Руминия Халқ Республикаси ленинча ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошириб, социалистик мамлакатларнинг улуғ оиласида муносиб ўрин олди ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро кескинликни камайтириш, тинчлик ва социализм лагери мамлакатларининг қардошларча дўстлиги ҳамда маҳкам ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ишига анча катта ҳисса қўшмоқда.

Коммунизм қуришдан иборат умумий идея ва мақсад билан илҳомланаётган Сизнинг мамлакатингиз меҳнаткашлари каби Совет Иттифоқи меҳнаткашлари ҳам Руминия ишчилар синфининг, меҳнаткаш деҳқонларининг ва интеллигенциясининг муваффақиятлари туфайли самимий қувонмоқдалар, Совет Иттифоқи билан Руминия Халқ Республикаси халқлари ўртасида қардошларча дўстлик алоқалари ва ҳар томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдалар.

Ўтган йиллар КПСС билан Руминия Ишчи Партияси ўртасидаги алоқаларнинг доим мустаҳкамланганлигини, тўла тенгҳуқуқлилик ва давлат мустақиллиги ҳамда суверенитетини ҳурмат қилиш асосида мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик кенгайиб борганлигини исбот қилади. Совет Иттифоқи ва Руминия ҳукумат делегацияларининг 1956 йил 3 декабрдаги қўшма баёноти муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда. Бу баёнот социалистик мамлакатлар ўртасида пролетар интернационализми асосида ўрнатилган янги хил халқаро муносабатларнинг ажойиб намунасидир.

Мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги қардошларча ва самимий дўстлик партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўртасида доим мустаҳкамланиб бораётган алоқаларда, шунингдек мамлакатларимизнинг маданий ва илмий кучларни бир-бирларига юбориб туришларида ўзининг ёрқин ифодасини топади.

Қадрли ўртоқлар, Сизларни ишонтириб айтамизки, КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати СССР ва Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг бахт-саодатини, қудратли социалистик лагердаги мамлакатларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, халқларимиз, партияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги қардошларча дўстликни янада мустаҳкамлаш учун бутун чорани кўрадилар.

СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитети Руминия Ишчи Партиясининг, Руминия меҳнаткашларининг, Руминия Халқ Республикаси Ҳукуматининг ва шахсан Сизларнинг мамлакатингизда социализм қурилишида янгидан-янги катта муваффақиятларга эришувингизни чин кўнгилдан тилайдилар.

Яшасин ва яшнасин совет ва румин халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик!

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Министрлар Советининг Раиси
Н. БУЛГАНИН.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари
Н. ХРУШЧЕВ.

Москва, Кремль
1957 йил 22 август.

Руминия Халқ Республикаси қуролли кучлари министри генерал-полковник ўртоқ Л. СЭЛЭЖАНГА

Қадрли ўртоқ Сэлэжан!

Қардош румин халқининг миллий байрами — Руминия фашизм зулмидан озод қилинган кун муносабати билан Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари номидан Сизга ва армия ҳамда флотнинг бутун шахсий составига самимий табрикларимни йўллайман.

Совет жангчилари армияларимиз ўртасида гитлерчи босқинчиларга қарши биргаликда олиб борилган курашда вужудга келган ва мустаҳкамланиб бораётган жанговар дўстликни гоят қадрлайдилар. Биз тинчликни ва халқларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, социалистик мамлакатларнинг бутун буюк бирдамлиги манфаатларини кўзлаб, ана шу дўстликни бундан буён ҳам тинмай мустаҳкамлаймиз.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг шахсий состави бутун совет халқи билан биргаликда Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларининг ва унинг Қуролли Кучларининг социализм қурилишида ва ўз Ватанининг мудофаа қудратини мустаҳкамлашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини астойдил тилайди.

ССР Иттифоқи Мудофаа министри,
Совет Иттифоқи Маршали
Г. ЖУКОВ

1957 йил 21 август

Руминия Халқ Республикаси Ташқи ишлар министри ўртоқ ИОН ГЕОРГЕ МАУРЕРГА

БУХАРЕСТ

Ҳурматли ўртоқ Министр, Руминия фашизм зулмидан озод қилинган кун муносабати билан Сизни ана шу ажойиб байрам билан самимий табриклайман. Сизнинг Совет Иттифоқи билан Руминия Халқ Республикаси ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, барча мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган самарали фаолиятингизда муваффақиятлар қозонишингизни тилайман.

ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри
А. ГРОМИКО

Москва,
1957 йил 22 август.

МОҲИР МЕХАНИЗАТОР



Тошпўлат Исроилов ўртасарой районидаги Охунбобоев номли колхозда меҳнат қилиб, пахта ҳосилини оширишга ҳар йили ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У Абдурахмон Абдукаримов бошлиқ бригаданинг 83 гектар ерига 50х50 схемаси билан ўзи чигит экди. Чигитни ундириб олиш учун колхозчилар билан бир қаторда курашди, қайғирди. Ғўза парвариши бошланган дастлабки кунларданоқ тракторнинг эртадан кечгача тўхтовсиз ишлашига, ишнинг сифатли бажарилишига алоҳида эътибор берди. Шу ерлардаги ғўзани ўғитлади, эгат очди. Шунинг учун ҳам бригада аъзоларигина эмас, барча колхозчилар уни ҳурматлайдилар.

Бригада пахтакорлари 25 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисида мажбурият олганларида моҳир механизатор ўртоқ Тошпўлат Исроилов дадил туриб:

— Астойдил ишласак 30 центнердан ҳосил етиштира оламиз, бунинг учун биз механизаторларга ишонсаларингиз бўлади, деб пахтакорларни ишонтирди. У ўз сўзининг устидан чиқди. Бригада ғўзаларини 5 марта сифатли культивация қилиб берди. Шу кунларда ҳам астойдил ишламоқда. Суратда: ўртоқ **Т. Исроилов.**

В. Салов фотоси.

ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА

Касаба союзларнинг техника инспекцияси ва страхование врачларига раҳбарлик қилиш касаба союз советлари зиммасига юкланди

ВЦСПС VI Пленумининг касаба союз советлари ҳуқуқларини ва вазифалари доирасини кенгайтириш тўғрисидаги қарори муносабати билан ВЦСПС президиуми касаба союзлар Марказий комитетларининг техника инспекторларини ва касаба союз ташкилотларидаги страхование врачларини касаба союз советлари ихтиёрига топшириши зарур деб топди.

ВЦСПС секретариатига касаба союзларнинг ҳар бир совети бўйича техника инспекцияси ва страхование врачларининг структураси ва штатларини қараб чиқиш топширилди. Область, ўлка, республикада бўлган техника инспекциясига оператив раҳбарлик қилмоқ учун касаба союз советлари аппаратида бўлимлар ёки инспекторлик группалари тузишга қарор берилди. (ТАСС).

Румин халқининг улуғ байрами

Бундан ўн уч йил муқаддам, 1944 йил 23 августда Руминия Коммунистик партияси томонидан уюштирилган Руминия ватанпарварларининг қуролли қўзғолони Руминияда халқ демократик тузумни барпо этиш учун қулай шароит яратди.

Совет Армиясининг ғолибона юриши туфайли вужудга келган янги шароитда Руминия Коммунистик партияси Антонеску ҳукуматини қамоққа олиш ва қуролни немис-фашист қўшинларига қарши қаратишда тинчлик ва миллий озодликни истаган, герман босқинчилари ва фашистлар диктатурасига нафрат билан қараган халқнинг кайфиятидан ҳам, буржуазия ҳамда помешчиклар сафида юз берган саросимадан ҳам тўғри фойдалана олди.

Халқимиз совет жангчилари берган курбонларни ёдида абадий сақлайди. Улар гитлерчи қўшинларни ҳамда Антонеску бошчилигидаги фашист ҳукумати қўшинларини тормор келтириб, бизга озодлик йўлини очиб бердилар. Венгрия ва Чехословакияни озод қилишда шонли Совет Армияси билан бирга бизнинг ботир жангчиларимиз ҳам қатнашдилар. Бу фронтларда бирга қон тўккан румин ва совет армиясининг қардошларча дўстлиги мустаҳкамланди.

Социализм учун олиб борилган кураш натижаларини ҳар йили 23 августда якунлаш биз учун традиция бўлиб қолди.

Румин халқи Руминия озод қилинган куннинг 13 йиллигини нишонлар экан, Ишчи партияси атрофига мустаҳкам жипслашган ҳолда, ўзининг коммунизм қуришда эришган ютуқлари билан фахрланади.

Бу йил мамлакатнинг саноат ишлаб чиқариши 1938 йилдагига нисбатан 3,4 баравар ортди. Бундан 19 йил илгари бир йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот эндиликда қуйидаги муддатларда; электр энергияси 3 ойда, темир руداси 84 кунда, пўлат 4 ойда, метан гази 28 кунда ишлаб чиқарилмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришининг тез суръатлар билан ўсиб бораётганлиги саноатимизнинг ҳамма соҳалари учун ҳам характерлидир. Фактлар келтирамиз: 1956 йилда 1938 йилга нисбатан чўян — 4,4 баравар, пўлат — 2,7 баравар, кўмир — 3.645 минг тоннадан зиёдроқ, нефть — 4.326 минг тонна, мой ва ўсимлик ёғи 2,9 баравардан зиёдроқ, гўшт консервалари 5,8 баравар кўп ишлаб чиқарилди.

Урушгача бўлган саноатимиз бironта ҳам трактор, токарлик станоклари, автобус, юк ташувчи машина, подшипник, буғ турбиналари, пассажир вагонлари, пармалаш машиналари ишлаб чиқармаган эди. Бу ва шунга ўхшаш кўпгина саноат моллари фақат халқ демократияси тузуми йилларидагина ишлаб чиқарила бошланди.

Мамлакатимиз иқтисодий қудратининг ўсиб бораётгандигини аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг салмоғи билан кўрсатиш мумкин. Масалан, 1956 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган чўян 1938-йилдаги 8,5 ўрнига, 33,2 килограммни, пўлат — 18,2 ўрнига 44,3 килограммни, электр энергияси ҳосил қилиш урушгача бўлган 72,4 ўрнига 280,4 киловатт-соатни ташкил этди. 1938 йили аҳоли жон бошига атиги 6,7 метр ип-газлама ва 0,80 метр шерсть газламалар ишлаб чиқарилган бўлса, 1955 йили ип-газлама ишлаб чиқариш 14 метрга, шерсть 1,8 метрга етди.

Халқ демократияси тузуми йилларида қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам муҳим ютуқларга эришилди. Руминия қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йил сайин янги техника билан қуролланмоқда. 1956 йили Руминияда 237 машина-трактор станцияси бор эди. Қишлоқ хўжалигимиз сўнгги йилларда 30 минг трактор, минглаб комбайн, молотилка, косилка ва бошқа деҳқонлар меҳнатини осонлаштирувчи ва унумдорлигини оширувчи қишлоқ хўжалик машиналари олди.

Ғалла етиштириш 1938 йилдаги 9 миллион тоннадан 1955 йилда 12 миллион тоннага ортди. Ишчилар синфининг ёрдами ва партия раҳбарлиги туфайли Руминия меҳнаткаш деҳқонлари бу йил юқори ҳосил етиштирдилар.

Бирлаштирилган хўжаликнинг ва ерни коллектив бўлиб ишлашнинг афзалликларини амалда кўриб, қаноат ҳосил қилган меҳнаткаш деҳқонлар коллектив қишлоқ хўжаликларига, ерни биргалашиб ишлаш шерикларига ҳамда ўз рентаси билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативларига борган сари кўпроқ аъзо бўлиб кирмоқдалар. Кооперативлаштириш суръати ўтган йилларга нисбатан бу йил анча тезлашди. Ҳозирги вақтда социалистик сектор мамлакатдаги бутун қишлоқ хўжалик майдонининг 41 процентини ташкил этади. Яқинда Констанц области ёппасига коллективлаштирилди.

Сўнгги йилларда фан ва маданиятни ривожлантиришда ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. 1938-1939 ўқув йилларида мамлакатда атиги 26.489 студентга эга бўлган 33 факультет бўлса, ҳозирги вақтда 81.206 студент ўқиётган 112 факультет бор. Бошланғич мактаблар сони 1938 йилга нисбатан 9 баравар ортди. Мамлакатда деярлик саводсизлик тугатилди. Олимларимиз ва ёзувчиларимиз ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Улар ўз ижодий фаолиятларини кенг омманинг эҳтиёж ва талаблари билан яқиндан боғлоқмоқда. Уларнинг кўпчилиги давлат мукофотлари билан тақдирланди ва мамлакатимиз ҳамда чет элларда бўлиб ўтган турли хил конгресс ва учрашувларда обрў-эътибор қозонди.

Халқ ҳокимияти кейинги йилларда мамлакат экономикаси эришган ютуқларга таяниб, келгусида меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида қатор тадбирларни амалга оширди. 1956 йилнинг октябридан бошлаб ишчи ва меҳнаткашларнинг ойлик иш ҳақи ва пенсияси минимал даражада оширилди.

Руминия ишчилар партияси пролетар интернационализминнинг принципларига содиқ бўлган ҳолда бу йил қардош коммунистик ва ишчи партиялари билан дўстона алоқалар ўрнатиш учун қизғин иш олиб бормоқда. Бу билан у социалистик лагерь бирлигини мустаҳкамламоқда ва халқаро коммунистик ҳаракатга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Руминия Халқ Республикаси бошқа халқлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ленинча тинч-тотув яшаш принципи асосида кенгайтирганлиги, шунингдек мамлакатимизнинг халқаро кескинликни юмшатиш, дўстона ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги курашига қўшган ҳиссаси туфайли унинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ошди.

Руминия меҳнаткашлари коммунизмга осонгина йўл билан бориб бўлмаслигини, бу йўлда кўпгина тўсиқлар ва қийинчиликлар борлигини биладилар. Аммо улар эндиликда ўзларининг кураш ва меҳнат самараларини кўриб, порлоқ келажакка қатъий ишонч билан қарамоқдалар.

Руминия ишчилар партиясининг доно раҳбарлиги остида улар ўз ватанининг ёрқин социалистик келажаги учун ишонч билан олга бормоқдалар.

Виктор БИРЛЕДЯНУ.
Бухарест шаҳри.

Республика фанлар академиясида

Яқинлашиб келаётган улуг байрам — Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун республика Фанлар академиясида катта тадқиқотлар олиб борилмоқда.

28 илмий-текшириш институтини ўзига бирлаштирган Академияда республиканинг йирик олимлари турли фан проблемаларини ҳал қилиш учун ижодий иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти лабораториясида Чирчиқ химия комбинати билан ҳамкорликда мураккаб ўғитлар ишлаб чиқаришнинг янги методи топилди. Буларни қўллаш халқ хўжалигига йилига ўнлаб миллион сўмлик маблағни тежаб қолиш имконини беради.

Зоология ва паразитология институтида академик Т. З. Зоҳидов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзолари В. В. Ляхонтов, В. А. Олимжоновлар муҳим темалар устида ишламоқдалар. Шу институт илмий ходимлари томонидан республика фаунасини тубдан ўзгартишга қаратилган бир қанча текширишлар ўтказилди, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишнинг қатор янги методлари ишлаб чиқилди.

В. И. Романовский номидаги математика ва механика институтида аэродинамика бўйича ўтказилган эксперименталь ва назарий текширишлар пневматик пахта териш машинасининг биринчи тажриба нусхасини яратишга олиб келди. Бу машина синаб кўрилди ва конструкциясининг тўғрилиги аниқланди. Шу йилнинг кузида институт пневматик пахта териш машиналарининг яхшиланган вариантларини тайёрлайди.

Экономика институти томонидан бошқа институтлар билан ҳамкорликда Фарғона водиси, Оҳангарон тог саноат райони ишлаб чиқариш проблемалари ўрганилди. Бундай текширишлар Мирзачўлда, Амударёнинг қуйи оқимида, республиканинг жануби-ғарбий районларида олиб борилаётир. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясидаги бу ишларда турли соҳаларда ишлаб келаётган олимларнинг катта коллективи иштирок этмоқда. Масалан, республиканинг зарур халқ хўжалик вазифаси бўлган Мирзачўл ерларини ўзлаштиришда 100 дан ортиқ илмий ходим 50 га яқин тема устида илмий-текшириш ишлари билан шуғулланаётир.

Институтларнинг ижтимоий фанлар бўлимларида ўрта асрнинг улуг мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Бируний ва бошқаларнинг бир қатор асарларини таржима қилиш соҳасида катта ишлар қилинмоқда.

Янги ҳунар мактаби

Меҳнат резервлари Бош бошқармаси шу йилнинг 1 сентябридан Бекободда ҳунар мактаби очишга қарор қилди. Бу ерда металлургия заводи учун 25 пўлат эритувчи, 25 вальцовщик шогирдлар тайёрланади. Бундан ташқари, шаҳарнинг қурилиш ташкилотлари учун 50 мутахассис қурувчи етказиб берилади.

Янги ҳунар мактабининг бўлғуси ўқувчилари ишлаб чиқариш практикасини шаҳарнинг металлургия, цемент заводлари ва қурилиш объектларида ўтказадилар.

О. НАУМЕНКО.

Сирдарё районидаги Тарас Шевченко номли колхозда колхозчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир далачилик бригадаси яхши жиҳозланган ўз дала шийпонига эга. Бу ерда колхозчилар овқатланиш ва кечалари тунаш билан бир қаторда қониқиб маданий ҳордиқ ҳам чиқарадилар. **Суратда:** Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Тилов Маманов бригадаси дала шийпонида колхозчилар газета ва журналларнинг янги сонлари билан танишмоқдалар.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Хитойдан юборилган совғалар

Табиий-илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейида «Одамнинг келиб чиқиши» темасида экспозиция ташкил қилиниб, унда бир қанча янги экспонатлар намойиш қилинган эди. Экспозицияга 1927 йилда Хитойнинг Пекин шаҳри яқинидаги қишлоқда олиб борилган археологик қазилмалар вақтида топилган қадимги маймунодам — синантропнинг бюсти ҳам қўйилган. Бу экспонат экскурсияга келган кишилар ўртасида зўр қизиқиш уйғотди. Шунда экскурсантлар экспозицияни синантропга оид янги, мукаммал материаллар билан янада бойитиш лозимлигини айтган эдилар. Шу муносабат билан музей коллективи Хитой Халқ Республикаси Фанлар академиясига қарашли Умуртқали ҳайвонлар палеонтологияси лабораториясига хат орқали мурожаат қилиб, синантроп ҳаётини ўрганиш соҳасида сўнгги йилларда тўпланган палеонтологик маълумотлар билан бирга, синантропнинг суяк ва меҳнат қуроллари ва улажларини юборишни илтимос қилган эди.

Яқинда ҳар иккала буюк давлат халқлари ўртасидаги дўстона ва илмий ҳамкорликнинг ёрқин ифодаси сифатида Хитой Фанлар академиясидан музейга совғалар олинди.

Бундан бошланғич ибтидоий жамоа даврида яшаган қадимги синантроп — одамнинг калла ва жағ суяклари, қўл ва болдир суякларининг муляжларидан иборатдир.

Бундан ташқари, хитойлик дўстларимиз синантропнинг меҳнат фаолиятини ифодаловчи турли тошлардан ишланган бир қанча ишлаб чиқариш қуролларининг муляжларини ҳам совға қилиб юборганлар. Шунингдек, совғалар орасида ибтидоий жамоа тузуми даврида яшаган қадимги кишиларнинг маданий ҳаёт даражасини характерловчи қуш суяги, буғи тишлари ва минчоққа ўхшатиб тешиб тарашланган тошлар ва бошқа маданий безак буюмларининг намуналари ҳам бор. Ҳаммаси бўлиб музей фондига синантроп ва унинг ҳаётини ўрганишга оид 28 та ҳар хил муляж келтирилди.

Биз музейнинг илмий ходими ўртоқ Абдусаломов билан Хитойдан юборилган ана шу қимматли совғалар ва қадимги синантроп одамини ўрганиш соҳасидаги палеонтологик маълумотлар ҳақида қисқача сўзлаб беришни илтимос қилдик. У қуйидагиларни айтди:

—Хитой олимлари томонидан Пекин шаҳрининг ғарби-жанубий қисмидан 51 километр нарига жойлашган Чжоукоудянь қишлоғида бир неча йиллар давомида олиб борилган археологик қазилмалар натижасида топилган қимматли материаллар кўпгина мамлакатлардаги олимларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда. Чжоукоудянь ғорларида бундан бир неча минг йиллар илгари синантроп — маймун-одамлар яшаганлар. Синантроп — бошланғич ибтидоий жамиятга мансуб бўлган энг қадимги одамларнинг типик вакилидир. Синантропни маймундан одамга ўтишдаги эволюцион тараққиёт даврида яшаган одам дейиш мумкин. Сўнгги йилларда Чжоукоудянь ғорларидан синантропнинг тошга айланган суяк қолдиқлари яна топила бошлаган. Бундан ташқари, ана шу қадимги одамларнинг овчиликда ишлатган меҳнат қуроллари, ҳайвон суякларидан ясалган ханжар, тошдан йўниб ишланган ҳар турли буюмлар ҳам топилган. Демак, синантроп одий меҳнат қуроллари, безак буюмлар ясашга моҳир бўлган, бинобарин, одам сингари фикрлаш хусусиятига ҳам эга бўлган.

Чжоукоудянь ғорларида кўп миқдорда кул қолдиқлари борлиги ҳам аниқланган. Бу эса синантропнинг оловдан фойдалана билганлигидан дарак беради.

Кул қатламларига яқин жойлардан 70 турдаги сутэмизувчи ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари топилган. Демак, бундан синантроплар коллектив бўлиб турли ҳайвонларни овлаганлар деган хулосани чиқариш мумкин. Синантропнинг маймунга ва ҳозирги замон одамига хос бўлган кўпгина белги ва хусусиятлари бор. Унинг пешона суяги маймунникига ўхшаш бирмунча бўртиб чиққан, миясининг ҳажми ҳозирги замон одамининг мия ҳажмидан бироз торроқ, бўйи эса ўрта ҳисобда 152 сантиметр бўлган.

Хитойлик дўстларимиз юборган қимматли совғалар яқин кунларда музей экспозициясига қўйилади ва тамошабинларга кўрсатилади.

М. АБРОРОВ,
Т. РАСУЛЕВ.

Москва области ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарди

Москва областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари КПСС XX съездининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги қарорларини амалга ошириш учун курашиб, Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг ривожлантириб, ғалла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари, 1957 йил 22 августда 104,7 процент бажардилар.

Давлатга дон топшириш ва сотиш давом этмоқда. Пландан ташқари давлатга 1,2 миллион пуд дон топширилади.

Кекса педагог

Бўстонлик районидаги Хўжакент қишлоғида биринчи бўлиб Носир Хабибуллаевич Жумалин маърифат ёйиш ишини бошлаган эди. У, аввало ўқитувчи, кейинча мактаб директори бўлиб ишлади. Ишчан, болаларга меҳрибон ўқитувчининг номи тез орада бутун қишлоққа ёйилди. Мана 37 йилдирки Н. Х. Жумалин Тельман номли мактабда хизмат қилади. Носир Хабибуллаевич шу мактабда ўсди, улғайди. Жумалин дарс бериш билангина кифояланиб қолмай, ўз ўқувчиларининг ўй шароитлари билан ҳам танишди, ота-оналари билан суҳбатлашди, улгирмовчиларга турли йўллар билан ёрдам берди. Шунинг учун ҳам унинг синфида бирорта бола паст баҳо олмас, узрсиз дарс қолдирмас эди. У, ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ўрганар, шунга қараб уларнинг ўқишга бўлган ихлосини ва муҳаббатини ошириш йўлларини яхши топарди. Тажрибали ўқитувчи Жумалин ўқувчиларга политехника билимларини сингиришда ҳам астойдил ишлади. Қишлоқдаги Сталин номли колхоз билан ҳамкорликда ўқувчилар учун тажриба участкаси ташкил қилди.

Тажрибали педагог ўқитган юзларча кадрлар мамлакатимизнинг турли жойларида хизмат қилмоқда. Баъзилари Совет Армияси сафида, баъзилари янги ўзлаштирилаётган ерларда меҳнат қилаётирлар. Улар кекса ўқитувчиларига мактублар юбориб турадилар.

Н. Х. Жумалиннинг педагогик фаолияти актив жамоатчилик ишлари билан маҳкам боғланган

Жумалин тажрибали методист ҳам. дир. У ёш ўқитувчиларга ҳар тарафлама методик ёрдам кўрсатади, ёш ўқитувчиларнинг дарсларига кириб, уларнинг ишини анализ қилади, ўзининг бой тажрибалари билан ўртоқлашади. Шунинг учун ҳам Жумалин номини ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам, бутун қишлоқ аҳолиси ҳам ҳурмат билан тилга олади.

Партия ва ҳукуматимиз Носир Хабибуллаевич Жумалиннинг педагогик фаолиятини тақдирлаб, уни Ленин ордени, «Меҳнат қизил байроқ», «Ҳурмат белгиси» орденлари билан мукофотлади ва унга «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган юксак унвон берди.

Ўртоқ Жумалин ўқитувчилик қилган 19-мактаб клубида ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамда қишлоқдаги турли муассасаларнинг вакиллари иштирокида Жумалиннинг педагоглик фаолиятига 37 йил тўлганлиги ва пенсияга чиққанлигига бағишлаб юбилей кечаси ўтказилди. Йиғилиш қатнашчилари ҳурматли ўқитувчини қизғин табрикладилар.

Х. ШАРИПОВ.

Редакцияга хатлар

Қорасувда маданий-оқартув ишлари яхшилансин

Шаҳар аҳолисини сабзавот ва ҳўл мевалар билан таъминлашда Қорасув райони муҳим роль ўйнайди. Районнинг қишлоқ хўжалиги, саноати йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Район мактабларида ўқув-тарбия ишлари, кутубхоналарнинг иши яхши йўлга қўйилган.

Меҳнаткашларнинг маданиятга, санъатга бўлган қизиқиши тобора кучайиб бораётир. Районда аҳолига кино кўрсатиш ишлари яхшиланган. Район бўйича 7 та кино тоҳкаси, 2 та кўчма кино установкаси бор. Киномеханик ва мотористлар қатъий график асосида ишлаб, кино кўрсатиш ойлик планини доим ошириб бажариб келаётирлар.

Бироқ бу билан районда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Район маданият уйи (директори ўртоқ А. Н. Изольская) бундан бир неча йил илгари ташкил қилинган бўлса ҳам бу ерда иш ўзи-бўларчиликка ташлаб қўйилган. Маданият уйида ташкил қилинган бичиш-тикиш, хор, драма, музика ва спорт ўйинлари тўгараклари системали иш олиб бораётганлари йўқ. Бу ерда иш қатъий план асосида олиб борилмайди. Тўгараклларнинг ишлаши учун зарур бўлган инвентарлар, ҳатто стол-стуллар етишмайди. Маданият уйига 1957 йил учун область маданият бўлими томонидан 10 минг сўм пул ажратилган бўлишига қарамай ишда жуда кам ўзгариш бўлди.

1956 йилда маданият уйига раҳбарлик қилган ўртоқ Островская маданий-оқартув ишлари учун ажратилган 13 минг сўм пулни аллақандай йўллар билан йўқ қилиб юборган эди. Аммо шу маҳалгача бу пул ундирилмай келаётир.

Маданият уйида лекция, суҳбатлар, турли учрашувлар ўтказиш ишига эътиборсизлик билан қаралмоқда. Йил бошидан буён бирон темада доклад ёки суҳбат ўтказилмади, фақат 2 мартагина лекция уюштирилди.

Маданият уйи бадиий ҳаваскорлари тез-тез колхозларга чиқмайдилар. Уларнинг концерт программаси қизиқарли эмас. Бунга маданият уйига раҳбарларнинг тўғри танланмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. 1956 йилда бу ерда массовиклик вазифасини жонкуяр, ўз ишининг устаси, коммунист ўртоқ Усмонов бажарар эди. Аммо у ишдан олиниб, унинг ўрнига маданият уйининг кассири ўртоқ Додахонова тайинланди. Додахонова ўз вазифасини тушунмайди ҳам, бирор иш қилмайди ҳам.

Районда 18 та клуб бор. Шулардан 8 таси колхозларга жойлашган. Аммо уларда ҳеч қандай тўгараклар ташкил қилинмаган, айрим колхозларнинг (Хрушчев номли, «XVIII партсъезди») клублари қаровсиз ётибди. Маданият уйи бу клубларга етарли ёрдам қилмаётир.

Район маданият уйида маданий-оқартув ишлари оммавий тус олиши керак. Бу ерда илғор колхозчилар, новатор ишчилар, кекса коммунистлар ва санъаткорлар билан учрашувлар уюштириш, қизиқарли темаларда суҳбатлар, кечалар ўтказиш мумкин.

Район марказига жойлашган «Ўзбекистон 25 йиллиги», «Октябрь» кинотеатрлари кенгайтирилиб, ҳар бири 300дан ортиқ ўринли бўлди. Лекин ҳар иккала кинотеатр биноси янгидан ремонт қилишга муҳтож.

«Октябрь» кинотеатрининг атрофи ифлос, унинг деворлари қулаб кетмасин учун сим билан тортиб қўйилган.

Кинотеатр тамоша залининг ўртасига устун тираб қўйилган. Тамошабинлар жон ҳовучлаб кино кўрадилар.

Ремонт қилиш зарурлиги ҳақида бир неча марта акт тузилганлигига қарамай кинотеатрлар ҳамон ремонт қилинмай, район ижроия комитетининг эътиборидан четда қолиб келмоқда.

Қорасув район партия комитети, район ижроия комитети ва область маданият бошқармасининг раҳбарлари маданий-оқартув ишларидаги камчиликларни тугатиш, йигирим кампанияси даврида район меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатиш ишларини яхшилаш чораларини кўришлари керак.

Э. КАРИМОВ.

Фрунзе районидаги сув танқислиги ҳақида

Фрунзе райони республикамиз пойтахтининг йирик районларидан бири ҳисобланади. Бу ерда кўпгина саноат корхоналари, ўнлаб маданий-маиший муассасалар ишлаб турибди. Кейинги йилларда давлат йўли билан, аҳолининг актив иштирокида кўплаб бинолар қурилди. Минглаб ишчи ва хизматчилар якка тартибда уй-жой бинолари қурмоқдалар. Эндиликда районда уй-жой бинолари қуриш оммавий тус олиб кетди. Бўш ерлар ўрнида бир неча ишчилар шаҳарчаси вужудга келди. Икки четига дарахт кўчатлари ўтқазилган кенг ва кўркам кўчалар пайдо бўлмоқда. Ҳозирги вақтда ғишт қуйиш, пахса олиш, том шуваш каби ишлар билан юзлаб киши банд. Буларнинг ҳаммаси сув билан бўлади.

Лекин шунга қарамай, районда аҳолини сув билан таъминлаш масаласи ёмон аҳволда. Сув танқислиги сабабли кўп гражданлар лой, ғишт қуйиш ишини ўз вақтида қилолмаётирлар, кўчаларга сув сепилиб, шипирилиб турилмайди, ариқ ёқаларига экилган дарахт кўчатларининг кўпи қуриб қолмоқда. Фигурная, Ниточная, Сталинград ва бошқа кўчаларга сув бормай қолаётир. Район Коммунал хўжалик бўлими ҳисобида ўндан ортиқ мироб бор. Лекин бу миробларнинг ҳаммаси ҳам ариқларни тозалаш, тўғонларни ремонт қилиш билан шуғулланмайди. Район гидротехниги Мушкия аҳолини сув билан таъминлаш масаласига аҳамият бермаяпти, у ишда фаолиятсизлик қилмоқда.

Районда аҳолини тоза сув билан таъминлаш масаласи билан ҳам жиддий шуғулланилмаётир. Ғишт заводи, химчистка фабрикаси олдида, Фигурная кўчаларида бир неча минг аҳоли яшашига қарамай, ҳалигача бу ерларда водопровод қурилгани йўқ. Ғишт заводи баракида эса биргина водопровод колонкаси ўрнатилган. Баъзан унда сув бўлмайди, сув бўлган кунлари эса соатлаб навбат кутишга тўғри келади. Водопровод сувининг йўқлиги туфайли бу ердаги аҳоли бир неча километрдан — Текстильмаш, Одесса кўчаларидаги водопроводлардан сув ташишга мажбур бўлмоқда.

Биз районда сув танқислиги ҳақида район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Ғуломовга бир неча марта айтдик. Ўртоқ Ғуломов ҳар сафар сув масаласини яхшилаш ҳақида ваъда қилади, лекин уни бажаришга қунт қилмайди.

Биз районда водопровод қурилишини тезлаштириш, ариқларни сув билан етарли миқдорда таъминлашни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетидан талаб қиламиз.

Шота Руставели ва Фигурная кўчалари аҳолиси номидан:

С. ХАМРАЕВ,
И. ИСРОИЛОВ,
М. АБДУЛЛАЕВ,
И. ЗОНИРОВ,
Х. НЕЪМОНОВ.

Кончилар яхши дам олаётирлар

Оҳангарон шаҳридаги кўмир корхоналарининг юзлаб кончилари меҳнат отпускаларини республикамиз ва Совет Иттифоқининг хушманзара, баҳаво ерларига жойлашган курорт, санаторий ва дам олиш уйларида ўтказмоқдалар. Кончилар Железноводск, Одесса, Михайловск, Ессентуки, Сочи, Цихолтуба ва бошқа шаҳарлардаги курорт ва санаторийларда дам олиб, ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Ана шу ерларда ҳордиқ чиқариб қайтганлар орасида проходчи Гумиров, навалоотбойчилардан Даминов, Асамов, Пискорский, Пардаев, слесарь Анненков, гардеробчи Овчинникова, портлатувчи Жабборов ва бошқа ўнлаб шахтёрлар бор.

Шу йилнинг ўтган ойлари ичида 75 кончи арзон баҳодаги ёки пулсиз путёвкалар билан таъминланиб, курорт ва санаторийларга юборилди, 50 дан ортиқ ишчи эса дам олиш уйларида бўлди.

Корхона фондидан шахтёрларга путёвкалар сотиб олиш ҳам тобора кўпаймоқда. Ўтган олтй ой ичида 40 та путёвка сотиб олиниб, кончиларга тарқатилди.

М. МИРҲАМИДОВ.

ПАРТИЯ ТЕМАСИДА

Корхона партия ташкилоти ўз ишини қандай қайта қурди?

Саноат ва қурилишни бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш юзасидан ўртоқ Н. С. Хрушчев докладининг тезисларини муҳокама қилишга бағишлаб ўтказилган йиғилишда корхона партия бюроси ва цехларнинг бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини янги шароит талабларига мослаб қайта қуришлари лозимлиги кўрсатилган эди. Коммунистлар бу ҳақда кўпгина қимматли фикрлар баён қилдилар, партия ташкилоти олиб борадиган партиявий-ташкилий ва сиёсий ишлар савиясини корхонанинг янги шароитда муваффақиятли ишлашини таъминлайдиган даражага кўтариш йўлларини кўрсатдилар.

Ҳозирги шароит корхоналарнинг партия ташкилотларидан ишга умуман раҳбарлик қилишни эмас, балки у ерда ишлаётган коммунистларни, партиясиз активларни корхонанинг фаолиятини янги шароитга мослаб ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни оператив равишда ҳал этишга ўргатишни тақоза қилаётир.

Электротехника саноати Министрлиги ва унинг бизнинг заводимизга бевосита раҳбарлик қилиб келган электрокабель бошқармаси тугатилиши муносабати билан корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини ҳисобга олиб, йиллик ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ҳажмини 25 миллион сўмлик ошириш юзасидан янги план белгиланди.

Завод коллективи йил бошида мамлакатга пландагидан ташқари 15 миллион сўмлик маҳсулот беришга сўз берган эди. У, Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, оширилган янги план топшириқларини тўла-тўкис адо этиш учун курашга тайёр турганлигини билдириш билан бирга, йил бошида олган мажбуриятидан воз кечмади, балки уни ҳам бажаришга ваъда берди.

Партия ташкилоти ҳозир бутун эътиборни янги план топшириқларини ва олинган мажбуриятни тўла бажариш имкониятини берадиган ички резервларни қидириб топиш ҳамда уни ишга солишга қаратмоқда. Бу соҳада машина ва асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқариш қувватидан максимал фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини барча чоралар билан кун сайин ошириб бориш учун курашни кучайтириш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Бунга, албатта, ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилиш юзасидан ташкилий йўл билан тадбирлар белгилаш ва уни амалга ошириш, илғор цех, бригада ва сменаларнинг, айрим новаторларнинг тажрибасини кенг оммалаштириш орқали эришилаётир.

Шу муносабат билан бир мисол келтиришга тўғри келади. Корхонада йил бошидан то май ойигача дастлабки олинган мажбурият асосида тузилган график бирмунча ошириб бажариб келинди. Лекин май ва июнь ойларида унга янги топшириқ ҳам қўшилгач, план бажарилмай қолди. Бу партия ташкилотини жиддий ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди. Шунда коммунистлар ва партиясиз активлар билан маслаҳат қилинди. Улар прокат цехининг ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдаланилмаётганини, бу цехдаги прокат станини узлуксиз ишлашга кўчириш лозимлигини кўрсатдилар. Хўжалик раҳбарларидан бу таклифни амалга ошириш талаб қилинди, бунинг учун лозим бўлган тадбирлар тавсия этилди ва унинг амалга оширилишига эришилди. Натижада цехда июль ойида илгариги ойлардагига қараганда қарийб 2 миллион сўмлик маҳсулот кўп ишлаб чиқарилди.

Завод бош инженери ўртоқ А. Макаров прокат цехидаги троллей станида ишловчи комплекс бригада ташкил қилиш ҳақида таклиф киритди. Бу таклиф амалга оширилиши натижасида станда тайёрланаётган маҳсулотнинг миқдори 25 — 30 процент ошди ва маҳсулотнинг бу тури бўйича июль ойи плани 40 процент ошириб бажарилди.

Шуни айтиш керакки, прокат цехининг бу участкаларидагина ишни яхши йўлга қўйиш билан қаноатланиш мумкин эмас эди. Чунки цехнинг бошқа участкаларида оширилган план топшириқлари тўлиқ бажарилмаётган ва бу ўз навбатида бошқа цехларнинг нормал ишлашига ҳалақит бераётган эди.

Цех партия ташкилотининг (секретари ўртоқ Шатохин) йиғилишида цехдаги умумий аҳволни яхшилаш масаласи муҳокама қилинди. Унга партия бюросининг раҳбарлари билан бир қаторда завод директори, ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи ҳам таклиф қилинди. Йиғилишда цехда меҳнатни ташкил қилиш кўнгилдагидек йўлга қўйилмаганлиги, машина ва асбобларнинг бекор туришига йўл қўйилаётгани кўрсатилди. Цех раҳбарларидан камчиликларга барҳам бериш талаб этилди. Бу соҳада уларга ёрдам бериш учун завод бошқармаси бўлимларининг ходимларини жалб этишга қарор қилинди. Бу ерга аҳоҳида слесарь-монтажчилар бригадаси юборилди. Бригада аъзолари бир ҳафта ичида цехда 7 та янги станок ўрнатдилар.

Цех коммунистлари коллектив ўртасида оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтирдилар. Завод партия бюроси ва касаба союз комитети цех қизил бурчагини жиҳозлаб бердилар. Цехдаги кўргазмали агитация воситалари янги шиорлар, плакатлар билан тўлдирилди. Участкаларда ишлаб чиқариш йиғилишлари ўтказилди ва унда цехда ишлаб чиқаришни яхши йўлга қўйиш юзасидан тадбирлар белгиланди. Бу масалага бағишлаб цех деворий газетасининг янги сони чиқарилди. «Молния»ларда илғорларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилди. Цех коллективи учун «Халқаро аҳвол ҳақида» ва бошқа темаларда лекциялар ташкил этилди. Партия бюросининг аъзолари ва активлар ишчилар ўртасида КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари ва коллективнинг вазифалари юзасидан суҳбатлар ўтказдилар.

Амалга оширилган ташкилий ва сиёсий тадбирлар яхши натижа берди. Цех коллективи июль ойи планини маҳсулотнинг барча турлари бўйича ошириб бажарди. Троллей участкасида бир кеча кунда тайёрланадиган маҳсулотнинг миқдори 62 тоннага етказилди. Ингичка кабель участкасида эса июль ойида 360 тонна маҳсулот тайёрланди ва рекорд натижага эришилди. Бу илгариги ойларда ишлаб чиқарилган ингичка кабелга нисбатан 40 тонна кўпдир.

Илгарилари партия бюросининг аъзолари цехда бўлганларида камчиликларни аниқлар ва бу ҳақда цех партия ташкилотининг секретари ҳамда цех бошлиғини огоҳлантирар, уни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш лозимлигини айтар эдилар. Аммо камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тадбирлар белгиланмаган ва айниқса уни амалга оширишда бевосита қатнашмас эдилар.

Ҳозир бунга чек қўйилган. Партия бюросининг аъзолари камчиликлар ва унинг сабабларини аниқлаш билан бир қаторда уни бартараф қилиш юзасидан цех партия-хўжалик раҳбарлари билан биргаликда тадбирлар белгилайдилар, уни амалга оширишда бевосита ёрдам кўрсатадилар. Улар пастки табақадаги ва кам тажрибага эга бўлган ходимлар билан партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни йўлга қўйиш соҳасида орттирган тажрибаларини ўртоқлашадилар. Уларга барча масалалар юзасидан маслаҳатлар берадилар.

Партия ташкилоти оммага таъсир ўтказиш ва уни тарбиялашда кўл келадиган ҳамма воситалардан фойдаланаётир. Завод ҳузурида яхшигина клуб бор. Бу йил унинг иши ҳар қачонгидан ҳам жонлантирилди. Партия ташкилоти бу ердан ишчи ва инженер-техник ходимларни сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва улар ўртасида лекция пропагандасини яхши йўлга қўйиш мақсадида фойдаланмоқда. Кейинги вақтда клубда ишчи ҳамда инженер-техник ходимлар учун сиёсий ва илмий билимларни тарқатиш жамияти аъзолари, шунингдек завод раҳбар ходимларининг кучи билан турли темада 35 лекция ўқилди. Жумладан, завод директори Сафонов, юқори малакали инженер-техник ходимлардан Сафаров, Андреев ва бошқа ўртоқлар ишчилар ўртасида кабель саноатида техникани ривожлантириш перспективалари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқа темаларда лекция ва докладлар қилдилар. Ишчилар ҳар ойда бир марта чиқариладиган ғозаки журналнинг янги сони билан ҳам шу ерда танишдилар. Журнал асосан ишчи ҳамда инженер-техникларга мўлжалланган.

Биз ишчилар билан учрашиш ва суҳбатлашиш учун қулай бўлган барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қиламиз. Чунки ишчилар билан қанча кўп гаплашилса улар ўзларини қизиқтираётган масалалар юзасидан шунча кўп саволларни, ўртага ташлайдилар, айрим масалалар юзасидан ёрдам беришни илтимос қиладилар.

Мисол учун, партия бюросининг аъзоси ўртоқ Б. Маҳкамов шу йил 1 август куни ётоқхонада ёш ишчилар билан суҳбатлашганда улар 55-цех раҳбарлари ишчи ўртоқ Николаевани асоссиз равишда бронза участкасидан изолятор участкасига ишга ўтказганликлари, натижада у бу ерда мустақил ишчи эмас, балки шогирд вазифасини бажараётгани, бу эса унинг иш ҳақига катта таъсир этганини айтдилар. Ўртоқ Маҳкамов ишчиларнинг талабига кўра цех раҳбарлари олдига ўртоқ Николаевани у илгари ишлаган участкага қайтариш масаласини қўйди ва бунга эришди.

Шуни айтиш керакки, ишимизда ҳали кўпгина жиддий камчиликлар ҳам бор. Айрим цехларнинг бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқаришга яқиндан раҳбарлик қилмаётирлар, партиявий-ташкилий ва сиёсий ишларни суст олиб бораётирлар. Уларнинг фаолиятида чинакам жанговарлик сезилмайди. Завод бошқармаси бошланғич партия ташкилоти шулар жумласидандир.

У, инженер-техник ходимлар билан етарли иш олиб бормаётир, уларнинг ишлаб чиқариш масалаларини ҳал этиш ва оммавий-сиёсий ишларни олиб бориш соҳасидаги активлигини ошириш ҳақида кам ғамхўрлик қилаётир. Бу ерда партия йиғилишлари ўз вақтида ўтказилмайди, йиғилиш кун тартибига қўйилган масалаларни муҳокама қилишда коммунистлар актив иштирок этмайдилар. Партия бюроси эса унинг фаолиятини яхшилаш юзасидан етарли чоралар кўрмаётир.

Корхона коллективи ўртасида социалистик мусобақани ташкил қилишда юзакичилик ва кампаниячиликкга йўл қўйилмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда завод касаба союз комитети айблидир. Лекин партия бюроси ундан социалистик мусобақа масаласи билан чинакам шуғулланишни талаб этиши керак эди. Амалда эса бундай қилинмаётир.

Олдимизда ҳали етарли ҳал қилинмаган кўпгина вазифалар турибди. Хомашё ва материалларни тежаш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш, янги техника ва илғор технологияни кенг жорий қилиш йўли билан меҳнат унумдорлигини янада оширишга эришиш масалалари шулар жумласидандир.

Саноат ва қурилишни бошқариш қайта ташкил этилгандан буён ҳали унча кўп вақт ўтгани йўқ. Шу вақт ичида завод фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалалар муваффақият билан ҳал этилди. Илгари корхона қора металлар етишмаганлиги учун муттасил қийинчиликларга duч келар эди. Ҳозир бунга барҳам берилди.

Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни жойларга юбориш вазифаси заводнинг зиммасига юклатилган. Шу муносабат билан завод хўжалик раҳбарлари бошқа маҳаллийчиликка берилиб, мамлакатнинг бошқа иқтисодий маъмурий районлари учун белгиланган маҳсулотни ўз вақтида ва тўлиқ юбормаганликларини кўрсатиб ўтиш керак. Партия бюроси уларнинг хато қилаётганликларини кўрсатди ва ҳозирги вақтда бу нотўғри қайфиятга барҳам берилди.

Завод коллективи ишлаб чиқаришни тобора юксалтириб, Улуг Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига олинган мажбуриятни тўла бажариш учун курашни янада кучайтиради. Партия ташкилоти завод ишчиларининг ижодий куч ва ғайратини мамлакатимиз олдида турган буюк вазифаларни бажаришга сафарбар этади.

Н. ПАВЛИЙ,
«Ташкенткабель» заводи партия бюросининг секретари.

Августнинг қолган кунларидан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирайлик!

☆ ☆

Ғўза парвариши бўшаштирилмасин

Ўрта Чирчиқ районидаги Ильич номли колхоз бир неча йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажара олмайди. Колхозчилар, механизаторлар ана шу қолоқликдан чиқиш учун бу йил эрта кўкламдан бошлаб астойдил ҳаракат қилдилар. Чигит экиш ўз вақтида сифатли қилиб тугалланди. Ғўза парваришининг дастлабки кунларида ҳам бирмунча яхши натижаларга эришилди. Лекин айрим бригада ва звеноларда иш бўшаштириб юборилди, натижада ғўзани ўт босиб кетиб, далани тозалаб олиш қийинлашиб қолди.

Колхоз агрономи Ўртоқ М. Давлатов далада камдан-кам бўлганлиги, ҳақиқий аҳвол билан тўла таниш эмаслиги туфайли ана шу камчиликлар содир бўлди. У колхоз правленияси билан ҳамжиҳат бўлиб ишламади. Ўз вазифасига совуққонлик билан қаради. Шу кунларда ҳам Ўртоқ Давлатов ҳосилга-ҳосил қўшишда актив қатнашмаётир.

Ўз ишини билиб қилган, масъулиятни тўла сезган кишилар раҳбар бўлган бригадаларда мўл ҳосил етиштириш соҳасида бирмунча яхши натижаларга эришилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Асил Мадалимов, Мутал Қаюмов, Насиба Аҳатова Ўртоқлар бошлиқ бригадалар шулар жумласига киради. Бу бригадаларнинг аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, ғўза парваришини август ойида ҳам қизғин давом эттираётирлар ва ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашмоқдалар. Бу бригадаларнинг ҳар туп ғўзасида 8-10 тадан тўқ кўсак бор.

Илғор пахтакорлар кўсакни кўпайтириш, пахтанинг эрта очилиши таъминлаш учун ўзаро мусобақалашиб ишлаб, мўлжалдаги натижага эришиш йўлида астойдил курашмоқдалар. Деҳқонбой ота Йўлдошев, Олимжон Маъмуров сингари мириқкор сувчилар ғўзанинг талабига қараб уни кечаси ва кундузи қондириб суғормоқдалар. Бу ерда Т. Тўхтаева, М. Арофатова, Д. Анорқулова М. Тошбоева сингари фидокор колхозчилар бор. Улар мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар.

Колхозчилар А. Худойқулов, А. Абдуваҳобов сингари универсалчиларни чиндан ҳам ҳурмат қиладилар. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача 1000-1100 гектардан ердаги ғўзани сифатли культивация қилиб берди.

Колхозда шу илғор бригадалар билан бир қаторда ҳали ғўзаси ҳамма ерда ҳам текис ҳосил олмаётган, ишни яхши ташкил қилмаётган бригадалар ҳам бор. 6, 7, 3- бригадаларни бирга қўшиб ҳисоблаганда 45 гектар ердаги ғўзанинг ҳосили мажбуриятнигина эмас, ҳатто контрактация планини ҳам қоплай олмайди. Агар бу бригадаларнинг аъзолари ана шу ҳосилларни ўз вақтида парваришини кучайтирмасалар, кейинчалик мусобақада орқада қолиб, уятли бўлиб қоладилар.

Колхоз раҳбарлари қолоқ бригадалардаги аҳволни яхшилаш, ҳамма майдонларда бир хилда мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш учун барча тадбирларни тўла амалга оширишлари, суғоришни, айниқса, тунги суғоришни намунали йўлга қўйишлари керак.

Т. ЙУЛДОШЕВ.

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг ўртоқ Қурбонбой Бахтибоев бошлиқ бригада аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Бригаданинг ҳар туп ғўзасида ўрта ҳисоб билан 8-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Бригадада суғориш ишлари сифатли ўтказилаётир. Бригадир ва звено бошлиқлари механизатор ва колхозчиларнинг унумли ишлаши учун шароит яратиб бераётганликлари туфайли ғўза парваришини кундан-кунга кучайтирилмоқда. Суратда: бригаданинг илғор звено бошлиғи ўртоқ Саидя **Раимова**, тракторчи Саид **Аҳмедова** ғўзани қандай қилиб яхши культивация қилиш тўғрисида маслаҳат бераётир.

М. Комлев фотоси.

Ғўзани пахта йиғим-теримигача парвариш қиламиз

Мен хизмат қилаётган П. Очилов ва Т. Мирзаҳмедов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг ҳар бири 70 гектардан пахта майдонига эга. Эрта баҳордан буён колхозчилар ҳамкорликда меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилдим. Ўз агрегатимдан унумли фойдаланиб, ғўза парвариши соҳасидаги ишларни сифатли қилиб бажаришимда колхоз правленияси ҳам менга яқиндан ёрдам берди. Бу бригадаларнинг ғўзалари шу кунга қадар 6 марта культивациядан чиқарилиб, уч марта озиқлантирилди, беш марта чўқур кетмон чопиги ўтказилди. Ҳалол меҳнат самарали натижалар берди. Ҳозир ҳар туп ғўзада 8-10 тадан кўсак, 16-18 тадан гул ва шона бор.

Биз эришилган дастлабки ютуқлар билан қаноатланиб қолмаймиз, албатта. Андижон область пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси аъзолари маслаҳатларига амал қилган ҳолда ишлаб, августнинг қолган кунлари ичида ғўзани сифатли парвариш қилиш учун ҳаракат қиламиз. Ҳар туп ғўзада яна қўшимча 4-6 тадан кўсак бўлишига эришиш учун барча чораларни кўрамиз.

Мен мавсумда 900 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб бериш юзасидан мажбуриятни олган эдим. Бу мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун ҳаракат қилиб, ҳар соат, ҳар минутдан унумли фойдаландим. Ишга тушиш ва қайтиш олдидан «универсал»имни техника кўригидан ўтказишни канда қилмадим. Буларнинг ҳаммаси тракторнинг унумли ва тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлади. Яқинда ҳисоблаб чиқсам, мавсум бошидан буён 1100 гектар ердаги ғўзани культивация қилибман. Мен яна қўшимча равишда 190 гектар ердаги ғўзага ишлов бериш юзасидан янги мажбуриятни олган ҳолда ишламоқдаман.

Ҳозир ғўзаларнинг ўсиб, авжи ҳосилга кирган пайти. Агар механизатор ўз тракторини қатор ораларидан эҳтиётлик билан олиб юрмаса, ёз бўйи тер тўкиб етиштирилган ҳосилга қисман зарар етиши — ҳосил шохларининг синдириб юборилиши мумкин. Мен ана шунга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилиб, трактор гилдиракларига тўсиқлар ўрнатдим. Шу кунларда тракторни биринчи тезликда юргизиб, 8-9 гектар ердаги ғўзани ишламоқдаман.

Мен хизмат қилаётган бу бригаларда ғўза парвариши давом эттирилиши билан бир қаторда пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишлари ҳам кучайтириб юборилган.

Мен мавсумда ўз агрегатим билан 100 тонна пахта теришга қарор қилдим.

Колхозчилар ғўзани чопиқ қилиш, суғориш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар: барча майдонлардаги ғўзалар икки марта сифатли чеканкадан чиқарилди.

Она-Ватанга ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил топириш юзасидан олган мажбуриятимизни улуғ байрамгача бажариш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқдамиз.

Мадаминжон АБДУРАИМОВ.

Мирзачўл районидаги 1-МТСнинг «8-март» колхозида хизмат қилаётган универсалчиси.

Мўл ҳосил тўпланмоқда

Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор бригада ва звено аъзолари ғўза парваришини тинмай давом эттирмоқдалар. 1-бригаданинг ўртоқ Раҳматилла Каттабеков бошлиқ звено аъзолари, айниқса, фидокорона меҳнат қилиб, ғўза тупларида мўл ҳосил тўпламоқдалар. Ҳозирга қадар беш марта культивация, тўрт марта чопиқдан чиқарилиб, тўрт марта озиқлантирилган ва сифатли чеканка қилинган ғўзаларнинг ҳар тупида 10-12 тадан бўлиқ кўсак бор.

Звено аъзолари ғўзани суғориш ишига айниқса алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бу ишни шахсан звено бошлиғи Раҳматилла Каттабековнинг ўзи бажараётир.

Райондаги Жданов номли колхознинг коммунист ўртоқ Эргаш Раҳмонов бошлиқ бригада аъзолари ҳам олинган мажбуриятни Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги кунигача бажариш учун курашиб, ғўза парваришини тинмай давом эттирмоқдалар.

М. КАНЗАФАРОВ,
Ф. ЭРГАШЕВ,
М. ОЙДИНОВ.

Колхозчиларнинг ғайрати

Октябрь районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ғўза парваришини биринчи сентябргача давом эттиришга аҳд қилиб, мўл ҳосил учун курашни кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Бу колхоз 570 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган.

Колхоз аъзолари ноқулай об-ҳаво туфайли содир бўлган қийинчиликларни муваффақият билан енгиб, катта майдонларда олинган социалистик мажбуриятни бажариш имкониятини берадиган даражада ҳосил етиштирдилар: ҳар туп ғўзада 9-10 тадан бўлиқ кўсак, кўплаб шона ва гул бор. Колхознинг 1, 5-бригадаларида ҳосил айниқса мўл бўлмоқда. Колхоз аъзолари ёз бўйи тер тўкиб етиштирилган ҳосилни сақлаб қолиш билан бирга, ҳосилга-ҳосил қўшиш учун курашмоқдалар.

Райондаги Калинин номли колхозда ҳам ғўза парвариши тинмай давом эттирилмоқда. Колхоз аъзолари чеканкани муваффақиятли тугаллаб, ҳозирги пайтда тунги суғоришга зўр бермоқдалар.

А. ХОЛБУТАЕВ,
И. МАНСУРОВ,
Т. ИМОМОВ,
Х. ЖАЛОЛОВ.

Ҳурматга сазовор бўлаётган бригадир

Пахтадан йилдан-йилга мўл ҳосил етиштириб, эл-юртнинг ҳурматига сазовор бўлаётган кишилар 3-«Боёвут» совхозида кўп. Ўртоқ Холиқул Примқулов ана шулар қаторига киради. У шу совхознинг 3-бўлимида 14 йилдан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлаб келмоқда. Ўртоқ Примқулов бошчилик қилаётган бригадада ҳар йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштирилади. Бригада аъзолари олинган социалистик мажбуриятни Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги кунигача бажариш учун курашиб, ғўза парваришини ғоят уюшқоқлик билан ўтказаётирлар. Суғориш, культивация, чеканка каби дала ишлари ўз вақтида бир-бирига боғлаб олиб борилмоқда. Илғорлар партия ва ҳукуматимизнинг август ойида ғўза парваришини ўтказиш тўғрисидаги қарорида кўрсатилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш учун курашиб, ғўза парваришини тинмай давом эттирмоқдалар. Бригаданинг Б. Абдунабиев, О. Халимова, Х. Қурбоналиева каби илғор ишчилари суғориш, чопиқ ишларини сифатли бажариб, мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Совхознинг Неъмат Оллоназаров, Мели Жўраев ўртоқлар бошчилик қилаётган бўлимларида ҳам иш қизғин. Ишчилар гектаридан олинадиган ҳосилни бу йил бир неча центнерданга ошириш учун курашиб, барча зарур тадбирларни амалга оширишаяпти.

Бригада пахтакорлари етиштирилаётган мўл ҳосилнинг бир грамини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида пахта теримига ҳам пухта тайёрланаётирлар. Шу билан бирга улар пахтанинг очилишини тезлаштириш учун ҳам ҳаракат қилмоқдалар.

Н. ЮСУПОВ.

Сабзавот ва чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш учун

Тошкент районидаги «XX партсъезд» колхози кўп тармоқли хўжаликлардандир. Колхоз 707 гектар экин майдонига эга бўлиб, шундан 488 гектарида сабзавот етиштирилади, дон экилади. Бу ерда чорвачиликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бериб келиляётир. Бу йил чорва молларини мўл-кўл ем-хашак билан таъминлаш мақсадида 60 гектар ерга маккажўхори, 15 гектар ерга ҳашаки лавлаги ва 219 гектар ерга беда экилган эди. Бу экинлар ўз вақтида парвариш қилиниб, ем-хашак базаси мустаҳкамланаётир. Колхозчилар беданинг ҳар бир ўримини зўр уюшқоқлик билан ўтказиб, ҳозиргача 1000 тонна беда ғарамлаб қўйдилар.

Шунингдек, колхознинг учинчи бригадасидаги маккажўхори ҳам силосбоп қилиб ўстирилмоқда. Колхозчилар ҳар гектар ердаги маккажўхоридан 35 тоннадан силос бостириш учун курашмоқдалар. Ҳар бирига 1000 тоннадан силос сиғадиган 2 та траншеяга шу кунларда силос босилаётир.

Колхоздаги соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, ўтган йилнинг олти ойи мобайнида фермадаги мавжуд 60 соғин сигирнинг ҳар биридан 1210 литр ўрнига 1358 литрдан сут соғиб олинган бўлса, шу йилнинг олти ойи мобайнида 85 соғин сигирнинг ҳар биридан 1400 литр ўрнига 1503 литрдан сут соғиб олинди.

Партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли жон бошига гўшт, ёғ, сут етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш тўғрисидаги чақириғидан бениҳоя руҳланган колхоз чорвадорлари соғин сигирларнинг маҳсулдорлигини ошириш йўлида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Колхознинг 1958 йилги ишлаб чиқариш планида соғин сигирлар сонини 130 га, умуман йирик шохли қорамоллар сонини эса 330 га етказиш мўлжалланади. Молларнинг зотини яхшилаш, бузоқларни зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда парвариш қилишга қаратилган барча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Колхозда қўйчилик ҳам чорвачиликнинг асосий тармоғи ҳисобланади: 2700 қўй яхши парвариш қилинаётганлиги туфайли улардан тобора кўп ғўшт, жун олинмоқда. Шунингдек, паррандачилик ҳам тез суръатлар билан ривожлантирилянти.

Колхозда чорвачиликнинг сердаромад тармоғи ҳисобланган чўчқачилик билан ҳам кўпдан буён шуғулланилади. Колхозда ўтган йили 108 бош чўчқа бор эди, бу йил уларнинг сони 173 га етказилди. Колхоз чорвадорлари она чўчқалар сонини кўпайтириш йўли билан уларнинг умумий сонини 180 бошга етказиш учун курашмоқдалар. Чўчқалар тажрибали кишилар томонидан парвариш қилинмоқда.

1957 йилнинг 1 июлига қадар колхоз давлатга пландаги 392 центнер ўрнига 424 центнер гўшт топширди. Бунинг асосий қисмини чўчқа гўшти ташкил қилади.

Товуқлардан олинадиган тухум ҳам кўпайиб бормоқда. Колхоз правленияси фермадаги ишларни яхшилаш, тухум қиладиган товуқлар сонини кўпайтиришга яқиндан ғамхўрлик қилмоқда.

Артель аъзолари шаҳар аҳолисини сут, гўшт, тухум билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса кўпиш учун чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш йўлидаги курашни изчиллик билан давом эттирмоқдалар.

Бу колхоз шаҳар аҳолисини сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Колхозчилар катта майдонларга экилган эртаги сабзавот маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирдилар ва бу маҳсулотларни қишлоқ ҳўжалиги ходимлари орқали шаҳар аҳолисига ўз вақтида етказиб беркмоқдалар. Колхозчилар сабзавот экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш билан бирга, кечки экинлар парваришини ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказаётирлар.

Бу ерда меҳнат тўғри ташкил этилган, ҳарбир киши ўз вазифасини ошириб бажариш учун курашади. Бригада ва звеноларароо социалистик мусобақа кучайтириб юборилган. Ҳар ўн кунда бригадаларда социалистик мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлиги якун қилиб турилади, мусобақа илғорларига колхознинг кўчма Қизил байроғи ва мукофот топширилади. К. Қуранбоев, А. Қосимбеков, З. Толипова ўртоқлар бошлиқ бригадалар илғор бригадалардан ҳисобланади

Колхознинг бошқа сабзавотчилик бригадаларида ҳам иш қизғин бораётир.

Н. ОРИФХОНОВ.

Мева-сабзавотчилик совхозида

Ўрта Чирчиқ районидаги «Горняк» совхози мева-сабзавот етиштиради. Совхознинг катта-катта майдонларида олма, анор, анжир етиштирилмоқда. Совхозда токзорлар барпо қилинган, сабзавот экинлари бор.

Совхоз ишчилари Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб равишда кутиб олиш учун мусобақалашиб, шу кунларда айниқса фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир ўртоқ Холиқ Алиев бошлиқ бригада далаларида помидор ва бошқа сабзавотлар тўкин-чачин пишди. Улар ўз ҳосилларини Оҳангарон шахтёрларига, шунингдек Челябинск шаҳар меҳнаткашларига юбормоқдалар. Бригада аъзолари бу йил помидорнинг ҳар гектаридан 20 тоннадан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳосилнинг кўриниши бу мажбуриятнинг ошириб бажарилишидан дарак бераётир.

Помидор териш ва уни яшикларга жойлаштиришда ишчилардан К. Сеитбаратова, З. Валишаев, И. Сулаймонов ва бошқа ишчилар айниқса зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Совхознинг бошқа бригадаларида ҳам сабзавот экинларидан мўл ҳосил етишмоқда. Совхоз коллективи экинлардан ва мевадан мўл ҳосил етиштириш ҳамда уни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун барча тадбирларни тўла амалга оширмоқда.

Пискент колхозларида чорвачиликни ривожлантиришда кескин бурилиш ясаш керак

Пискент район колхозларига қарашли умумий ер майдони 48 минг гектарни ташкил этади. Суғориладиган ерларда пахта, беда, картошка, сабзавот ва бошқа экинлар етиштирилади. Бу ерларда боғлар ва токзорлар ҳам бор. Қолган ерларнинг 4-5 минг гектарига баҳори дон ва қисман мойли экинлар экилади. Шундай қилиб, Пискент район колхозлари ихтиёрида суғориладиган ва баҳори экин майдонларидан ташқари бир неча ўн минг гектарни ишғол этган яйловлар, табиий пичанзорлар, шартли суғориладиган ерлар ҳамда қўллар бор. Шартли суғориладиган ерларга ўт экиш, ҳатто қисман маккажўхори экиш ҳам мумкин.

Демак, Пискент район колхозларида деҳқончиликнинг барча турларини ривожлантириш билан бирга, чорвачиликни ҳам кенг миқёсда ва тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун катта имкониятлар бор. Бироқ район колхозларида ана шу имкониятлардан фойдаланиш ғоят қониқарсиз аҳволда. Чорвачилик яхши ривожланмаган ва унинг маҳсулдорлиги областимиздаги бошқа районларнинг деярлик ҳаммасидан паст деб айтсак янглишмаймиз. Райондаги айрим ўртоқлар, ўтган йил сигирлар сутини кўпайтиришда кескин бурилиш бўлди, ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 615 литрдан сут олинди, дейдилар. Ҳолбуки бу миқдорни ўтган йил область бўйича ҳар бир сигирдан олинган ўртача 1131 литрга таққосласак, Пискент колхозларида сигирлар қариб икки баравар кам сут бераётганлигини билиб олиш қийин эмас. Бу райондаги сигирлар ҳатто қўшни Бўка районидаги сигирларга нисбатан ҳам 1,5 баравар кам сут бераётир.

Райондаги айрим колхозларни олиб кўрсак, аҳвол бундан ҳам баттар. Масалан, ўтган йил Карл Маркс номли колхозда ҳар бир сигирдан 434, «XIX партсъезд» колхозида 365, Ленин номли колхозда 455 литрдан сут олинган. холос.

Районда сут етиштиришни кўпайтириш бу йил ҳам талабга жавоб бермаётир. Йилнинг ўтган ярмида область бўйича ҳар бир сигирдан ўтган йилнинг шу вақтидаги 642 ўрнига 785 килограммдан сут соғилиб, маҳсулдорлик қариб 23 процент оширилгани ҳолда, Пискент районида фақат 423 килограммдан сут соғилган, ўсиш атиги 9,3 процентни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, бу райондаги ҳар бир сигир областдаги сигирларга нисбатан 46 процент, Бўкадаги сигирларга нисбатан 25 процент кам сут берган.

Бошқа хил чорва маҳсулотлари етиштиришга келганда ҳам аҳвол яхши эмас. Масалан, ўтган йил ҳар бир қўйдан 1930 граммдан жун, ҳар бир товуқдан 33 тадан тухум олинган. Ҳолбуки, область бўйича ҳар бир қўйдан 2400 граммдан жун, ҳар бир товуқдан 53 тадан тухум олинган эди.

Тўғри, колхозлар ярим йиллик сут етиштириш планини ошириб бажардилар. Лекин бу йил ялпи сут маҳсулотини 900 тоннага етказиш юзасидан олинган мажбуриятнинг бажарилиши учун ҳали жуда кўп иш қилиниши керак.

Мол туёғини ўстиришга ҳам жиддий эътибор берилмай келаётир. Ўтган йил 873 сигирдан 681 бузоқ олинган, яъни сигирларнинг 78 процентни туғдирилган эди. Аммо бузоқлардан 192 таси ўша вақтдаёқ нобуд бўлиб кетди. Ўтган йил район колхозларида салкам 20 минг қўй бўлиб, шундан 9972 таси совлиқ бўлгани ҳолда, улардан фақат 8537 қўзи олинган. Баъзи совлиқларнинг эгиз туғишини эътиборга олмаганимизда ҳам, 1435 совлиқ қисир қолган.

Ана шундай аҳвол бу йил ҳам давом этмоқда. Тўғри, колхозларда йил бошида қорамоллар сони 2540 та бўлса, 1 июлгача 2796 га етган. Айни ҳолда мол туёғи ўсибди, деб айтишимиз мумкин. Бироқ шу даврда 498 бузоқ туғилган, 285 бош мол сотиб олиниб, подага қўшилгани ҳолда, жами молнинг 2796 бош бўлиб қолишига нима дейиш керак? Тўғри, шу даврда 139 мол гўштга берилган, 284 мол сўйилган ва сотилган. Лекин шу билан бирга 163 мол, шу жумладан 49 бузоқ ҳар хил йўл билан йўққа чиқарилди. Шундай қилиб, ярим йилда ҳозирги молнинг 6 проценти, янги туғилган бузоқларнинг 5 проценти қўлдан кетган.

Ярим йилда қўйлар сони 17009 бошдан 22292 бошга етказилди. Бу баланси ҳосил этган оборот айтарлик даражада яхши эмас. Жумладан, 7648 қўзи туғилган бўлса, 1624 қўй сотиб олинган. Шу билан бирга 263 қўй гўштга берилиб, 1272 қўй сотилган. Демак, кўпчилик қўй ва қўзилар ҳар хил сабаблар билан сўйилган ва нобуд қилинган. Йилнинг бошидаги 17 мингдан ортиқ қўй ҳисобига, фақат 7648 қўзи олиниши ҳам ажабланарлидир. Чунки бу ҳолда қўй подасида ё совлиқлар кам, ёки кўпгина совлиқлар вақтида қочирилмай, қисир қолган. Район колхозларининг раҳбарлари чорвачиликни ривожлантиришда уни урчитиш имкониятларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор бермаганлар. Буни биз кўзи олишнинг ўтган йилгидан камайиб кетганлигидан кўриб турибмиз.

Чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишдаги аҳвол шундай бўлгандан кейин унинг рентабеллиги жамоат фондини ўстиришга ёрдам берадиган жиддий манбалардан бири бўлиши мумкинми? Бу саволга жавоб бериш учун маҳсулот етиштиришга сарфланаётган меҳнат ва маблағлар, маҳсулотнинг таннархига доир баъзибир маълумотларга мурожаат қиламиз. Масалан, ўтган йил район бўйича бир килограмм гўшт 14 сўм 12 тийин (тирик вазн ҳисобида) турган бўлса, Андреев номли колхозда 31 сўм, Энгельс номли колхозда 52 сўм 56 тийинни ташкил этган. Шунга ўхшаш район колхозларида бир килограмм сутнинг қиммати 2 сўм 80 тийин бўлса, Андреев номли колхозда 6 сўм 86 тийинга, Охунбобоев номли колхозда 6 сўм 45 тийин бўлган. Район бўйича 1 килограмм жуннинг таннархи 31 сўм 43 тийин, Киров номли колхозда 106 сўм, Карл Маркс номли колхозда эса қариб 123 сўмни ташкил этган. Районда бир дона тухум етиштириш учун 2 сўм 54 тийинлик меҳнат ва маблағ сарфланган бўлса, Андреев номли колхозда бир тухумга 5 сўм 15 тийин, Энгельс номли колхозда 7 сўм 70 тийин сарфланган. Маҳсулот таннархининг шундай баланд бўлиб кетишининг сабаби — маҳсулот етиштириш учун материал ва пул маблағлар билан бир қаторда, меҳнат айниқса кўп сарф қилинмоқда. Масалан, район бўйича 200 килограмм жун етиштириш учун 116 меҳнат куни сарфлангани ҳолда, Андреев номли колхозда 280, Киров номли колхозда 400 меҳнат куни сарфланган. Районда минг дона тухум етиштириш учун 36 меҳнат куни сарфлангани ҳолда, Энгельс номли колхозда 163, Киров номли колхозда 188 меҳнат куни сарфланган. Бошқа колхозларда ҳам шундай фактларни кўрамиз.

Шундай қилиб, район колхозларида чорвачиликдан келадиган даромад унга қилинаётган сарфи-ҳаражатнинг ўрнини ҳеч бир қоплай олмаётир. 1956 йилда қорамолчилик учун 1 миллион 939 минг сўм сарфланган бўлса, даромад 820 минг сўмни ташкил этиб, колхозлар 1 миллион 119 минг сўм зарар кўрганлар. Жданов номли колхозда қорамолчиликдан атиги 13 минг даромад қилинган. Ҳолбуки, ҳаражат 118 минг сўмни ташкил этади. Қўйчиликда ҳам аҳвол шундай. Ўтган йил колхозда қўйчиликка 1 миллион 780 минг сўм сарфлаб, 920 минг сўмгина даромад олганлар, холос.

Районда, Ворошилов номли колхоз чорвачилиги ривожланган, дейдилар. Дарҳақиқат бу колхозда ўтган йил ҳар бир сигирдан 862 литрдан сут, ҳар бир қўйдан 2400 граммдан жун ва ҳар бир товуқдан 43 донадан тухум олинган. Аммо маҳсулот таннархига келганимизда илғор колхозда ҳам аҳвол яхши эмас. Масалан, бир литр сут 3 сўм 7 тийиндан, бир дона тухум 1 сўм 14 тийиндан, 1 килограмм жун 17 сўмдан, гўшт 10 сўм 55 тийиндан тушган. Бу колхозда минг литр сут учун 64 меҳнат куни, ҳар центнер гўштга (тирик вазн ҳисобида) 21,96 меҳнат куни сарфланган. Агар буни биз Янгийўл районидаги Сталин номли колхоздагига солиштириб кўрсак, бу колхозда меҳнат кунлари икки баравар кўп сарфланганлигини кўрамиз. Колхознинг умумий даромади ҳисобидан ҳар бир меҳнат кунига 21 сўмдан тақсимланган. Бу даромад асосан пахтачиликдан олинган. Колхоз чорвадорлари хўжаликнинг умумий даромадига тайинлик бир нарса қўшмасалар ҳам, даромадни кўп келтирган колхозчилар билан бир қаторда ҳақ олавергандар.

Нима учун Пискент район колхозларида чорвачиликнинг ривожланиши ва унинг маҳсулдорлиги талабга жавоб бермайди? Чунки, районда қорамоллар расмият учунгина қўлда боқилмоқда. Чунки молни қўлда боқиш учун материал-техника ва ем-хашак базаси вужудга келтирилмаган, мол зотини яхшилаш ва урчитиш ишлари планли равишда олиб борилмасдан, ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган.

Районда сигирларни қўлда боқишга ўтказган 16 колхознинг фақат биттасида янги типда қурилган сигирхона, бузоқхона бор. Андреев номли, Шверник номли колхозларда гарчи эски типда бўлса ҳам, озгина талабни қондирадиган даражада оддий молхоналар ҳам етишмайди. Энгельс номли ва Ленин номли колхозларда чўчқахоналар йўқ. Деярлик ҳамма колхозларда фермалардаги асосий ишлар механизациялаштирилмаган, ҳамма иш қўлда бажарилади. Ана шунинг ўзи ҳам мол асраш ва боқишни ҳозирги замон зоотехникаси талабларига мувофиқ ташкил этишга имкон бермаётир.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлашга, айниқса мол қишловини озиқ билан таъмин этишга жуда кам эътибор берилмоқда. Ўтган йил хашак тайёрлаш плани 36 процент, силос бостириш плани 27 процент бажарилди. 482 гектар ердаги маккажўхорининг ҳар гектаридан 30 центнердан поя олинган. Пискент ва Керовчи қишлоқларидаги Сталин номли колхозларнинг ҳар иккисида ҳам маккажўхорининг гектаридан 15 центнердан поя олинган бўлса, «Гулистон» колхозида дон учун экилган маккажўхорининг гектаридан 6 центнердан ҳосил олинган.

Ем-хашак базасини мустаҳкамлашга бўлган бу хилдаги нотўғри муносабат бу йил ҳам такрорланмоқда. Бузилган беданоялар ҳисобига янгидан 400 гектар ерга беда экилмай қолди. План бўйича районда 3076 гектар ерда беда ўстирилиши лозим бўлгани ҳолда, бу экин майдони 2560 гектар бўлиб қолди. Ўтган йил ҳар гектар ердан 35 центнердан беда олинган эди. Бу йил ҳам аҳвол яхши эмас. Масалан, 25 июлгача фақат 12 процент майдонда беданинг иккинчи ўрими ўтказилган. Табиий ўт ўриш деярлик йўқ даражада. План бўйича 24 минг тонна хашак жамғарилиши лозим бўлгани ҳолда, ҳозиргача бу тўғрида ҳеч қандай маълумот йўқ. Маккажўхори экиш плани ҳам бажарилмади. Мол зотини яхшилашга ғоят юзакичилик билан қаралмоқда. Бунга Ворошилов номли илғор ҳисобланган колхозлари бир факт яққол мисол бўла олади. Бу колхозда ўтган йил зотли деб 12 сигир сотиб олинган. Аслида бу сигирлар номигагина зотли бўлиб чиққан. Бунинг устига уларни боқиш, парвариш қилиш тўғри ташкил этилмаган. Натижада бу молларнинг 9 таси гўшт мажбуриятига топширилиб, учтаси сўйилган. Бундан колхоз 20 минг сўмдан кўпроқ зарар кўрган.

Шу кунларда колхозда Латвиядан келтирилган 21 бош тана ва улар билан бирга битта «зотли» сигир ҳам асраляётир. Уларнинг туриш жойи ва боқиш шароитига қараганда кўнгилга, ишнинг оқибати юқорида айтиб ўтилган 12 сигирникига ўхшаб ёмон бўлибди-ку, деган гап келади. Булар ёнидаги «зотли» сигирга келганимизда, ундан икки йилдан бери бирон натижа олингани йўқ. Колхоз раҳбарлари сигирларимиз туғсин шунда маълум бўлади, деб хаёл суриб юрибдилар.

Пискент район колхозларида чорвачиликни ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар бор. Колхоз ва МТСларнинг раҳбарлари чорвачиликдаги ҳозирги аҳволдан тўла ва тўғри хулоса чиқариб, бу соҳани яқин йиллар ичида кескин ривожлантириш тадбирларини кўришлари керак.

Р. МОШЕЕВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг старший ўқитувчиси.

ТЕАТР

„ВАТАН ИШҚИ“

Шу кунларда Муқимий номли республика драма ва комедия театрининг саҳнасида қўйилаётган «Ватан ишқи» спектаклини пойтахт тамошабинлари зўр қизиқиш билан тамоша қилмоқдалар.

Драматург Зиннат Фатҳуллин ва Шукур Саъдулла ҳамда композитор Собир Бобоевлар яратган бу асарнинг Тошкент меҳнаткашлари орасида муваффақият қозонаётганлигининг сабаби—унда тарихий-революцион темаларнинг кўтарилганлиги, ҳаётий воқиалар ва жонли образларнинг совет кишиларига яқинлигидадир.

«Ватан ишқи» музикали драмасининг авторлари ўз асарларида ўзбек халқининг большевиклар раҳбарлигида яқин ўтмишда босмачи ва чет эл интервентларига қарши қаҳрамонона курашганини, ўша даврнинг шуҳратли пафосини, меҳнаткаш инсониятнинг бахт-саодати ва озодлиги учун қон тўккан совет кишиларининг маънавий гўзаллигини ҳаққоний тасвирлаганлар, шунингдек ёш социалистик совет республикасини бўғиб ташлаб, яна эски феодал-буржуа тузумини тикламоқчи бўлган ва бу йўлда ҳар қандай ваҳшиёна жиноятлардан қайтмайдиган душманларнинг чинакам башарасини фош қилганлар. Коммунистик партия раҳбарлигида курашга отланган меҳнаткаш халқ—пьесанинг асосий қаҳрамонидир. Халқнинг революцион қураши—унинг улуғвор фонидир. Халқнинг душман устидан қозонган қаҳрамонона галабаси эса—унинг апофеозидир.

Пьесадаги воқиалар катта драматизм билан суғорилган. Унда янги ва эски дунё ўртасидаги, яъни совет республикаси билан бой-феодаллар тузуми ўртасидаги кескин кураш усталик билан акс эттирилган. Бу—асарнинг асосий конфликтини ташкил қилади. Драматурглар икки лагернинг вакилларини ҳам катта бадиий маҳорат билан тасвирлаганлар. Пьеса яқин ўтмишдаги унутилмас тарихий даврни акс эттирса ҳам, ҳозирги замон руҳи билан, коммунизмнинг ҳаётбахш ғоялари билан тўлиб-тошган.

Театр коллективи ва драматургларнинг хизматқ шундаки, улар бу асарни тарихий, конкрет фактлар асосида яратиб, ўзбек совет театр санъати ва драматургиясига бази янгиликлар киритганлар.

Албатта, драматургиямизда тарихий-революцион темада бир қатор пьесалар яратилиб, саҳналаштирилган эди. Бироқ тамошабинлар учун бўлган янгилик—бу спектакл даги Нарзихола, Субҳонқул ва Ёрмат ота образларидир.

Драматурглар Нарзи хола образида совет тузумини мустаҳкамлаш учун мардона курашган барча ўзбек хотин-қизларининг мақсадларини, ёруғлиққа интилишларини, орзуистакларини ва инсоний фазилатларини мужассамлантирган ва типиклаштирганлар. Натижада ҳақиқий ватанпарвар, жасур ўзбек аёлининг реалистик образи вужудга келган.

Тўғри, драматургиямизда бу хилдаги образ илгари яратилган эди. Масалан, драматург Яшиннинг «Тор-мор» драмасидаги Дилбар образи. Бу образ ўзига хос хусусиятларга эга бўлса ҳам лекин у ҳали синфий курашнинг моҳиятига ун-чалик чуқур тушунмаган, умум халқ курашига актив киришолмаган образдир. Нарзи ҳола образи эса бутунлай бошқача ҳал қилинди. Биз бу образ тимсолида зўр революцион темпераментга ва гайратга тўлган ўзбек аёлини, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, иккиланмайдиган, тадбирли қишлоқ Совети раисининг эмас, балки халқ оммасининг синалган раҳбарини ҳам кўрамиз. Унинг продасини ҳеч ким ва ҳеч нарса буколмайди. Нарзи хола жуда кучли ва довюрак аёл.

Спектаклда Нарзи хола ролини артист Т. Жаъфарова ва Э. Жалилова ижро этади. Тамошабин саҳнада Ватанга, халққа садоқатли большевикни, ўз ёрига вафодор ва оқила аёлни кўради. Унинг хатти-ҳаракатларига самимий ишонади. Айниқса Нарзи холанинг Мавлон қори (III парда) ва Давронбек (IV парда) билан тўқнашув саҳналари кишида катта таассурот қолдиради. Бу саҳналарда Давронбек тасвирлагандек чинакам мард, продали аёл образи намоён бўлади. Бироқ ижрочилар, айниқса Э. Жалилова негадир, Субҳонқул билан учрашадиган саҳналарда Нарзи хола образини заифлаштиради; унинг Ватан, халқ олдидаги бурчи ва эрига бўлган самимий муҳаббати ўртасидаги кескин курашни етарлича очиб бермайди. Ижрочилар мелодраматизмга берилиб кетиб, ўз қаҳрамонларининг Субҳонқулга бўлган муносабатини, унинг оғир ички кечинмаларини тамошабинга равшан етказмайдилар. Бу жиддий камчилик Нарзи холанинг улуғворлигини, унинг аҳамиятини пасайтиришга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, Э. Жалилова Нарзи холани раис — халқ раҳбари сифатида кўрсатишга уриниб, баъзи ўринларда саҳнада гердайиб юриб, сохта ҳаракатлар қилади.

Спектаклнинг марказий образи Нарзи холанинг эри—Субҳонқулдир. Драматургиямизда бу хилдаги образ биринчи марта яратилмоқда. Драматурглар бу образ орқали босмачилар томонидан алданиб олиб кетилган баъзи деҳқонларнинг шафқасий фожиасини тасвирлайдилар.

Субҳонқул ўз Ватани, халқи, оиласи олдида ўзини оқлаш учун яна босмачилар орасига қайтади ва уларга қарши ичдан курашади. Охири ўз бурчини бажариб, қурбон бўлади. Субҳонқул ўзининг ҳақиқий бурчини тўла англаб олиши совет тузумининг моҳиятини тушуниб олиши учун анча қийналади, курашади. Демак, Субҳонқул образи бирмунча мураккаблиги ва бу образ ижрочидан катта меҳнат ва матонат талаб қилиши яққол кўриниб турибди. Бироқ артист А. Абдураҳмонов Субҳонқул образини яратиб, ўз олдида турган вазифани тўла бажара олмаган. Бундай қарама-қарши характерга, қарама-қарши дунёқарашларга эга бўлган бу мураккаб образни бирданига тўлақонли қилиб яратиш жуда қийин, албатта.

Ижрочи ўз қаҳрамонининг ички курашини, руҳий эзилишини, яъни унинг синфий шакланишини биринчи кўринишнинг ўзидаёқ ифодали ҳаракатлар, таъсирчан интонациялар билан кўрсатади. Бу билан у тамошабининг эътиборини тезда ўзига жалб қилади. Субҳонқулнинг ички кечинмалари, руҳан эзилиб, азоб чекишлари ҳамма кўринишларда, айниқса II пардада яхши акс эттирилган. Унинг ўз бурчини оқлаши, босмачиларга бўлган нафрати ва жасоратига тамошабин самимий ишонади. Лекин тамошабин асосий бир нарсани сезмайди ва кўрмайди, у ҳам бўлса Субҳонқул билан Нарзи хола ўртасидаги самимий муносабатни, уларнинг чин муҳаббатини. Негадир, улар бирбирини сира танимайдиган кишиларга ўхшайдилар. Ҳолбуки, Субҳонқул ва Нарзи бир-бирларини севадилар, икки болалари ҳам бор. Субҳонқулнинг босмачиларга хизмат қилиши, сўнгра ўзини оқлаш учун уларга қарши курашиши унинг ўз оиласига ҳанчалик боғланганлигини, уни севганлигини кўрсатади. Ҳатто спектаклнинг охирида ўз кўкрагини ўққа тутиб, Нарзини ўлимдан қутқазади. Пьесанинг ўзи ҳам асосан ана шу муносабатлар асосига қурилган. Драматургларнинг мақсади ҳам шу муносабатлар орқали кишининг характери ва онгининг шакланишини кўрсатишдир. Бу икки образ ўртасида самимий, соф муносабатларнинг йўқлиги натижасида биринчи пардада бошланган кучли драматизм кейинги пардаларда сусайиб боради. Агар бу камчилик тузатилса Нарзи хола ва Субҳонқул образидаги бошқа жозиб нуқсонлар ҳам ўз-ўзидан йўқолади, улар тамошабинларнинг севимли қаҳрамонларидан бирига айланиб қолади.

Ёрмат ота Октябрь революцияси келтирган улуғ ҳақиқатни бутун қалби билан қабул қилиб, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида қаҳрамонона курашган чол образидир. Бу образнинг ажойиб фазилатларини драматургдар ва артист Ҳ. Аҳмедов асосан II пардада Давронбек билан Ёрмат отанинг тўқнашуви саҳнасида маҳорат билан очиб берадилар. Мана, босмачилар Ёрмат отани қаттиқ калтаклаб, Давронбек олдига олиб келдилар. Унинг пешонаси, кўкраги, елкаси қонга бўялган. Икки қўли орқасига маҳкам боғланган. У кўкрагини олдинга бериб, Давронбек томон юради. Ёрмат отанинг вазмин ва салобатли қадам қўйишлари, чуқур маъноли сўзлари унинг улуғворлигини, довюраклигини, маънавий гўзаллигини кўрсатади. Унинг хатти-ҳаракатларида, сўзларида меҳнаткаш халқнинг эзувчиларга қарши қайнаган газаби ифодаланади. Ёрмат ота тимсолида халқнинг бузилмас иродаси, донишмандлиги, порлоқ келажакка бўлган қатъий ишончи усталик билан мужассамлантирилган. Бу саҳна икки шахснинг ўзаро учрашуви эмас, балки икки қарама-қарши синфнинг кескин тўқнашувини кўрсатади.

Булардан ташқари, спектаклдаги бошқа ижобий образлар, жумладан Қўлдош (артист Р. Шокиров), Олимжон (артист Ш. Пўлатов) ва Каримжон (артист М. Исроилов) образлари ҳам тўғри ва жонли талқин қилинган. Бу ролларни ижро этган артистлар ҳақиқий совет ватанпарварларининг тўлақонли образларини моҳирлик билан яратганлар.

Лекин пьесадаги Кузьмин (артист М. Орифбоев) ва Зулфи (артист Ф. Раҳматова) образлари драматурглар томонидан ҳам, ижрочилар томонидан ҳам жуда бўш ишланган. Ҳолбуки, бу образлар айниқса Кузьмин образи пьесада муҳим роль ўйнаши керак. Чунки бу образ тимсолида улуғ рус халқининг ўзбек меҳнаткашларининг ўз озодлиги учун олиб борган курашига яқиндан ёрдам берганлиги акс эттирилган. Бундан ташқари, авторлар бу образ орқали рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик қонли курашларда вужудга келиб, кундан-кунга мустаҳкамланиб борганлигини кўрсатишга интилганлар. Бироқ бу образнинг характерини чуқур очиб беролмаганлар. Натижада Кузьмин образи спектаклда ҳам унчалик пишиб етмаган.

Синфий душманлар лагери вакилларининг образи спектаклда асосан тўғри равдалантирилган. Айниқса Давронбек (артист С. Толипов), Хушмамад (артист С. Ҳўжаев), Мавлон қори (артист Ҳ. Умаров), Азимбой (артист Р. Болтаев ва Х. Исломбоев) образлари тамошабинларда катта таассурот қолдирди. Бу ролларни ижро этган ҳар бир ижрочи ўз қаҳрамонининг характерига хос хусусиятларини очиб берувчи саҳна воситаларини топа олганлар.

Спектаклнинг жонли ва мазмунли чиқишида композитор С. Бобоевнинг хизматини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Композитор халқ куйларидан, замонавий миллий интонациялардан, рус ва ўзбек революцион қўшиқларидан тўғри ҳамда унумли фойдаланиб, ўз музикасини асарнинг ғоявий мазмунини, образларнинг моҳиятини, ички дунёсини очиб беришга бўйсундирган. Лекин бизнинг назаримизда спектаклда ўринсиз қўшиқлар ҳам бор. Масалан, I пардадаги квартет ортиқчадир. Чунки зўр драматик кучга эга бўлган саҳнадан кейин бирданига квартет ижро этилиши бутун пардаларнинг умумий оқимига халақит беради. III пардада Олимжон яралганидан кейин ижро этадиган ариясн ҳам яхши чиқмаган. Бу ария қандай мақсад билан ижро этилиши номаълум.

Спектаклни саҳналаштиришда режиссёр Раззоқ Ҳамроевнинг асосий хизмати шундаки, у, стандарт мезансценалардан, шаблон позаларидан, эскириб қолган режиссёрлик усулидан воз кечиб, асарга ижодий ёндошган ва янги саҳна воситалари, янги ифодали мезансценалар топа олган. Натижада спектакль ҳақиқатга яқин бўлиб, ўша даврдаги кескин муҳит, революцион пафос акс эттирилган. Кўпчилик образларнинг тўғри талқин қилинишида ҳам режиссёрнинг хизмати сезилиб турибди. Спектаклдаги оммавий саҳналар, айниқса II пардадаги босмачилар қарорғоҳи, III пардадаги Азимбой уйидаги Давронбек билан Ёрмат ота ва Олимжоннинг тўқнашув саҳналари ҳамда IV пардадаги сўнгги кўринишларда режиссёрнинг янгиликлар киритганлигини, унинг режиссёрлик маҳоратини яққол кўриш мумкин. Лекин спектаклда муваффақиятсиз чиққан саҳналар ва кўринишлар ҳам мавжуд. Масалан, режиссёр Субҳонқул билан Нарзи ўртасидаги самимий муносабатларни акс эттириш учун жонли ва ифодали саҳна воситалари топа билмаган. Бундан ташқари, III пардадаги асосий моментлар ўзаро узвий боғланмаган. Бу пардада босмачиларнинг бостириб киришларини кўрсатувчи саҳна тамошабинларда ҳеч қандай таассурот қолдирмайди. Бу саҳнада босмачиларнинг синфий қиёфасини очиб бериш ўрнига, босмачилар кўзга илинган майда-чуйда нарсаларни ўғирлаб қочаётган шахсларга айлантирилган. Бу, тамошабинни ҳақиқатдан узоқлаштириши мумкин.

Рассом Г. Визель ҳам мазмунли декорациялар ишлаган. Спектаклдаги ҳар бир буюм, деталь ҳатто кўринишлар орасида очилиб-ёпиладиган қизил парда ўша даврдаги кескин революцион атмосферани гавдалантиради.

Театр коллективи драматурглар билан ижодий ҳамкорликда спектакль устидаги ишини давом эттириб, ундаги мавжуд камчиликларни тузатса, Улуғ Октябрнинг 40 йиллигига бағишланган бу асар янада такомиллашиб, тамошабинларнинг севимли спектакларидан бирига айланиши мумкин.

А. САИДХУЖАЕВА,
Ф. ЖУРАЕВ.

Суратда: Спектаклдан бир кўриниш.

РУМИНИЯ ОЗОД ҚИЛИНГАН КУННИНГ 13 ЙИЛЛИГИ

Бухарестда тантанали йиғилиш

БУХАРЕСТ, 22 август. (ТАСС). Бугун бу ерда Руминия фашизм зулмидан озод қилинган кунининг 13 йиллигига бағишланиб, пойтахт меҳнаткашлари вакилларининг тантанали йиғилиши бўлди.

Опера ва балет театри залида корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари, фан ва маданият арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари тўпландилар.

Тантанали мажлис президиумида Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Георгиу-Деж, Министрлар Советининг раиси Киву Стойка, Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари, шунингдек СССР нинг Руминиядаги элчиси А. А. Епишевлар ўтирган эди.

Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Министрлар Совети раисининг ўринбосари Э. Боднараш румин халқи миллий байрамининг 13 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

РУМИН ВА СОВЕТ ЖАНГЧИЛАРИ ҲАЙКАЛЛАРИ ТАГИГА ГУЛЧАМБАРЛАР ҚЎЙИЛДИ

БУХАРЕСТ. 22 август. (ТАСС). Руминия Совет Армияси томонидан фашизм зулмидан озод қилинган кунининг 13 йиллиги муносабати билан бугун Бухарестда фашизмга қарши, ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган румин қаҳрамонларининг ҳайкали тагига ва қардош румин халқини озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари ҳайкали тагига тантанали вазиятда гулчамбарлар қўйилди.

Гулчамбарлар Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети ва Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети, Буюк миллат мажлиси президиуми, Қуролли кучлар министрлиги ва Ички ишлар министрлиги номидан, пойтахтдаги жамоат ташкилотлари ва саноат корхоналари номидан қўйилди.

Гулчамбарларни қўйиш маросимида Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Георгиу-Деж, Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Киву Стойка ва партия ҳамда ҳукуматнинг бошқа раҳбарлари, генераллар ва офицерлар, оммавий ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек чет эл дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ва аъзолари ҳозир бўлдилар.

ПРЕЗИДЕНТ ХО ШИ МИННИНГ РУМИНИЯДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

БУХАРЕСТ, 22 август. (ТАСС). Бугун Руминия матбуотида Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Миннинг Руминия Халқ Республикасига қилган дўстлик визити тўғрисидаги ахборот эълон қилинди. Хо Ши Мин Руминия Халқ Республикаси Буюк миллат мажлиси президиумининг таклифига мувофиқ 1957 йил 17 августдан 21 августгача Руминияда бўлди.

Ахборотда бундай дейилади: президент Хо Ши Мин Руминияда бўлган вақтида Г. Георгиу-Деж, Петру Гроза, Киву Стойка билан ва Руминия Ишчи партияси ҳамда Руминия давлатининг бошқа раҳбарлари билан музокаралар олиб борди. Музокаралар давомида ҳар иккала томонни қизиқтираётган масалалар юзасидан фикр олишилди. Самимий ва дўстона вазиятда ўтган музокаралар тинчлик учун, Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагернинг бирлигини, халқаро ишчилар ҳаракати бирлигини мустаҳкамлаш учун курашга доир масалалар, шунингдек муҳокама қилинган бошқа масалалар юзасидан ҳар икки томоннинг фикри тамомила бир эканлигини тасдиқлади. Музокаралар вақтида ҳар иккала мамлакат халқларининг социализм қуриш йўлида, экономика ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари кўрсатилиб ўтилди.

Музокаралар давомида, дейилади ахборотда, ҳар иккала мамлакатнинг вакиллари халқаро кескинликни юмшатишга ва турли ижтимоий системадаги мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга ёрдам бериш мақсадини кўзда тутган тадбирларни зўр бериб амалга ошириш зарур эканлигини, зўр бериб қуролланишни тўхтатиш учун, атом ва водород қуролларини сўзсиз тақиқлаш учун зўр ғайрат билан ҳаракат қилиш зарур эканлигини таъкидладилар.

Мамнуният билан шу нарса қайд қилиндики, Руминия Халқ Республикаси билан Вьетнам Демократик Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ҳар иккала халқнинг манфаатларига ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мувофиқ суратда ривожланиб келди ва ривожланмоқда.

Руминия Халқ Республикасининг вакиллари Вьетнам Демократик Республикасининг 1957 йил 8 июнда Женева кенгашининг икки вакилига юборган нотасида баён қилинган позициясини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар. Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати ана шу нотада Вьетнамни тинч йўл билан бирлаштириш мақсадида Женева битимларини бажариш учун самарали чоралар кўришни талаб этади.

Ҳар иккала томон Руминия Ишчи партияси билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги қардошларча алоқаларни янада ривожлантириш ва ҳар иккала партия ўртасида тажрибаларни айирбошлашни ҳамда бир-бирларига ахборот бериб туришни кучайтириш зарур деган фикрни билдирди.

Президент Хо Ши Миннинг Руминия Халқ Республикасига қилган визити, дейилади ахборотда, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатлари ва қардошларча ҳамкорликни ривожлантириш учун, социализм ва тинчлик манфаатлари учун айниқса катта аҳамиятга эгадир.

МАОРИФ ХОДИМЛАРИНИНГ ЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАРШАВА, 22 август. (ТАСС). Маориф ходимлари жаҳон конференциясининг иккинчи куни «Маориф ходимларининг халқаро бирлигини мустаҳкамлаш йўллари» тўғрисидаги докладга бағишланди. Маориф ходимлари касаба союзлари халқаро федерациясининг бош секретари П. Делянуэ шу тўғрида доклад қилди.

Докладчи бу конференциянинг аҳамиятига тўхталиб ўтди. Конференция, деди у, маориф ходимларининг халқаро бирлиги проблемасини ҳал этишга анча ёрдам бера олади. Бизнинг конференциямизда бутун дунёдаги жами 11 миллион маориф ходимидан 7 миллион киши номидан вакиллар қатнашмоқда, деб таъкидлади П. Делянуэ. Конференция делегатлари турли социал системаларнинг намояндалари бўлишига қарамай кўп масалаларда улар бир хил фикрдалирлар. Бу ҳол халқаро ва миллий ташкилотларнинг конкрет масалалар юзасидан ҳамкорлик қилишларига ёрдам беради.

Докладда ўқитувчиларнинг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлаш тўғрисидаги, турли мамлакатлардаги миллий ташкилотларнинг бир-бирларига делегациялар юбориб туришлари, иш тажрибаларини ўртоқлашишлари зарур эканлиги, ўқитувчиларнинг ишчилар синфи билан ва барча меҳнаткашлар билан иттифоқини мустаҳкамлаш зарур эканлиги тўғрисидаги масалага катта эътибор берилди.

Сўнгра докладчи муайян доиралар ўқитувчилар сафини бузиш, социалистик мамлакатлардаги ўқитувчиларни капиталистик мамлакатлардаги ўқитувчиларга қарама — қарши қўйишга уринаётганликлари ва бунинг учун коммунизмга қарши пропагандадан фойдаланаётганликлари ҳақида гапирди. Аммо сафни бузувчиларнинг ана шундай уринишларига қарамай, ўқитувчиларнинг бирлиги йил сайин мустаҳкамланмоқда. Маориф ходимлари касаба союзи халқаро федерацияси бундан буён ҳам ана шу бирликни мустаҳкамлаш учун кураш олиб боради.

Маориф ходимлари касаба союзи халқаро федерацияси раисининг ўринбосари Фан Мин (Хитой Халқ Республикаси) қўшимча доклад қилди. У, турли мамлакатлардаги ўқитувчилар ташкилотлари ўртасида алоқаларни кучайтиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади ва Хитой Халқ Республикасидаги маориф ходимлари союзи Осиёдаги ўқитувчилар ташкилотларининг бирлигини мустаҳкамлаш соҳасида кўп иш қилаётганлиги тўғрисида сўзлаб берди.

Шундан кейин конференция кун тартибидаги тўртинчи масалага — «Маориф ходимлари хартияси жаҳон кунини белгилаш тўғрисида»ги масалага ўтди.

Шу ҳақдаги докладда Ҳиндистон ўқитувчиларининг ташаббуси тўғрисида гапирилади. Ҳиндистон ўқитувчилари 1954 йилдан буён «Маориф ходимлари хартияси куни» ни ўз мамлакатларида нишонлаб келмоқдалар. Докладда ана шу кунни барча мамлакатларда ҳамма миллий ва халқаро ташкилотлар иштироки билан нишонлашга даъват этилади.

Шундан кейин конференцияда Судан, Германия Демократик Республикаси, Англия, Чили, Жазоир, Франция вакиллари нутқ сўзладилар.

Докладлар юзасидан музокаралар тамом бўлганидан кейин конференциянинг кун тартибидаги барча масалалар бўйича секциялар ишга киришдилар.

Миср журналистлари вакилларининг Ўзбекистонда бўлиши. Суратда: меҳмонлар суғориладиган ерларни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-текшириш институтида.

В. Лейзерович фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚИЗИЛ ГВАРДИЯНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Кекса большевиклар — қизил гвардиячилар — граждан ва Ватан урушларининг қатнашчилари, Москва гарнизонининг офицерлари, генераллари, солдатлари ва матрослари 22 августда М. В. Фрунзе номли Совет Армияси Марказий уйининг Қизил байроқли залига тўпландилар. Бу ерда 1917 йилда чоризм ағдарилганидан кейин большевистик партиянинг ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида тузилган қизил гвардиянинг — ишчилар қуролли отрядларининг 40 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ветеранлари, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг энг кекса аъзолари Г. И. Петровский, А. Д. Блохин, В. П. Антонов-Саратовский, В. И. Ростовцев ва бошқалар президиум столи ёнида пайдо бўлганларида кечанинг қатнашчилари уларни самимий кутиб олдиар. Азиз меҳмонлар — Чехословакиянинг кекса коммунистлари залга кириб келганларида ҳамма уларни қизғин табриклади.

КПСС нинг энг кекса аъзоси Г. И. Петровский кечани қисқача кириш нутқи билан очди. У қизил гвардиячиларнинг жуда катта хизматлари тўғрисида сўзлаб берди. Бундан қирқ йил муқаддам қизил гвардиячилар қўлларига қурол олиб, Қишқи саройни штурм қилишда, Москва Кремлини қўлга олишда, рус самодержавиесини ағдариб ташлашда, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг унутилмас кунларида қатнашдилар.

Кечада илгариги қизил гвардиячилар, КПСС нинг энг кекса аъзоларидан В. М. Смирнов, М. И. Златоверов, В. П. Петров ўз хотираларини айтдилар. Чехословакия делегациясининг раҳбари, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси М. Дропнинг нутқи самимий кутиб олинди.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. С. Никольский Совет Армияси жангчилари номидан собиқ қизил гвардиячиларни табриклади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Л. М. Павличенко уруш ветеранлари совет комитети номидан мажлис қатнашчиларни табриклади.

Тантанали мажлис қатнашчилари бир овоздан КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

Мажлиснинг охирида кеча қатнашчилари учун катта концерт қўйиб берилди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ПИОНЕРЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ СЛЁТИ

Ўзбекистон пионерларининг Тошкентда ўтаётган бешинчи слётининг иш программаси жуда қизиқарли ва хилма-хил. Делегатлар группаларга бўлиниб, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар, ўз ташаббуслари билан ўтказилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бермоқдалар, спорт соҳасидаги муваффақиятларни кўрсатмоқдалар.

23 август эрталаб мактаб ўқувчиларидан юзларча киши Горький номидаги болалар паркининг ёзги театрида бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўригига тўпланди. Болалар энг яхши рақсчи ва ашулачиларни, бадиий асарларни ўқиб декляматорларни ва музикачиларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Уларнинг кўплари ўз репертуарига Улуғ Октябрнинг 40 йиллигига, Коммунистик партияга, халқлар дўстлигига, бутун дунёда тинчлик учун курашга бағишланган асарларни киритганлар. Болалар Совет Иттифоқи ва чет эл мамлакатлари халқларининг қўшиқларини, жумладан Хитой Халқ Республикаси, Ҳиндистон Республикаси ёшларининг қўшиқларини завқ-шавқ билан ижро этдилар.

Шу куни республика болалар техника станцияси жуда гавжум эди. Бу ерга ёш конструкторлар ва ихтиочилар тўпланди. Авиамодель спорти ҳаваскорлари самолётларнинг турли моделларини учириш юзасидан бўлган мусобақаларга қатнашмоқ учун Тошкент атрофларига чиқдилар.

Бутуниттифоқ ўсимлик илмий-текшириш институтининг тажриба станциясида ёш табиатшунослар учрашди. Улар олимлар билан суҳбатлашдилар, мичуринчиларнинг ишлари билан танишдилар. «Победа» маданият ва истироҳат боғида ёш туристлар ёзги каникуллар вақтида қилган завқли юришлари ва экскурсиялари ҳақида сўзлаб бердилар. Сталин номидаги Пионерлар саройида энг яхши горнист ва барабанчи номини олиш учун конкурс ўтказилди.

Ўзбекистон пионерларининг бешинчи слёти ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 24/VIII да **Жазоир, менинг ватаним!**, 25/VIII да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/VIII да **Чио-Чио-Сан**, 25/VIII да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Травиата.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Бизнинг ҳовли**, кеч соат 10 да **Ханка.**

НАВОИЙ номли (қишки) — эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача **Бизнинг ҳовли**, кеч соат 8-40 минутда **306-сон дело**, кеч 10-20 минутда **Ханка.**

«САЛЮТ» — кеч соат 8 яримда **Ханка**, кеч 10-15 минутда **Бедарак кетган.**

«ХИВА» — **Бизнинг ҳовли.**

СТАЛИН НОМЛИ ПАРКДА
МУҚИМИЙ НОМЛИ
ТЕАТРНИНГ
ЁЗГИ БИНОСИ
О Ч И Л Д И
24/VIII да — **Равшан** ва **Зулхумор.**
25/VIII да — **Ватан ишқи.**
26 августда
КАТТА КОНЦЕРТ
Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов, Ашурали Юсупов** ва театр солистлари қатнашади.
Спектакллар ва концерт кеч соат 9 да бошланади.

Тошкент шаҳар, 1-Педагогическая кўча, 38-уйда турувчи **Виктор Петрович Зеликовнинг** Ленинград шаҳар, Добролюбов проспекти, 6-уйда турувчи Клара Семёновна Жданованинг ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 3-участка халқ судида кўрилади.

Сталин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг
ФЗУ мактаби
7,10-синф ҳажмида маълумоти бўлган кишилардан қўйидаги ўзбек ва рус группаларига 1 сентябргача
ўқувчилар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
1. Тўқувчилик мастер ёрдамчилари группасига. Ўқиш муддати 2 йил.
2. Тўқувчи, йигирувчи, ровничница, крутильщица группаларига. Ўқиш муддати 1 йилу 2 ой.
Ўқувчилар стипендия, овқат ва кийим билан таъминланади.
Қабул шартлари умумий тартибда.
Адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Академическая кўча, 5-уй (9 ва 11-трамвайнинг «Богдан Хмельницкий» остановкаси).

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04939. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1874.